



# MILLIY TIKLANISH

10 (442) ● 2017 йил 8 март, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
 ЎзМТДП — www.mt.uz | Тахририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## ЎЗБЕКISTON – ТУРКМАНИСТОН: ЯҚИН ҚЎШНИЧИЛИК ВА ҚАРДОШЛИК RIШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 6-7 март кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 6 март кунини бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари аввал яккама-якка, кейин икки мамлакатнинг кенгайтирилган таркибдаги расмий делегациялари иштирокида музокара ўтказдилар. Уларда савдо-иқтисодий, нефть-кимё, транспорт коммуникациялари, қишлоқ хўжалиги, маданият, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Қўшма баёноти, Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзоландилар. Икки мамлакат вазирилик ва идоралари ўртасида иқтисодий, қишлоқ хўжалиги ва кимё саноати, темир йўл транспорти, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни, худудлараро алоқаларни ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ташрифнинг иккинчи кунини Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов Туркменистонда шахрига бордилар. Ушбу шаҳар яқинида Амударёда қурилган Туркменобод-Фараб автомобиль ва темир йўл кўприklarининг таътанали очилиш маросими бўлди.

Автомобиль кўпригининг узунлиги 1600, темир йўл кўпригининг узунлиги 1750 метр. Уларни қуришда туркменистонлик ва украинлик қурувчилар иштирок этган, Германия, Норвегия технологияларидан фойдаланилган.

Президентлар кўприklar олдидаги майдонда ташкил этилган ўзбек ва туркман амалий санъати намуналари, хунарандлик маҳсулотлари кўргазмасини кўздан кечирдилар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мазкур кўприklar халқларимиз дўстлигининг тimsоли бўлиб, нафақат Туркменистон, балки бутун минтақа учун геостратегик аҳамиятга эга эканини қайд этди. Ўзбекистонда ҳам транспорт коммуникацияларини ривожлантириш бўйича ушбу амалга ошириладигани, хусусан, ўтган йили қурилган Ангрен – Пош темир йўли Марказий Осиёни Хитой билан темир йўл орқали боғлаганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон ва Туркменистон темир йўллари ўзаро интеграциялашиб, қайта тикланаётган Буюк ипак йўлининг муҳим бўғинини ташкил этади, минтақа ривожини ва халқларимиз фаровонлигига хизмат қилади.

Президент Гурбангули Бердимухамедов Туркменистон транспорт ва транзит соҳаларини ривожлантириш бўйича ташаббусларни илгари сураётгани, ушбу кўприklar бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси эканини таъкидлади. Қурилиш ишларининг сифати ва аҳамиятини юқори баҳолаб, қурувчи ва пудратчиларга миннатдорлик билдирди.

Давлат раҳбарлари поездга ўтириб, кўприкдан ўтдилар.

Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов билан вилоятлар маросимида Гурбангули Бердимухамедов Туркменистонда Буюк Йўлбошчимиз хотираси абадийлаштирилишини таъкидлаган эди. Шу мақсадда Туркменобод шаҳридаги марказий кўчалардан бирига Ислоҳ Каримов номи берилди. Ушбу кўчада ёдгорлик мажмуаси барпо этилди ва Биринчи Президентимизнинг бюсти ўрнатилди. Мажмуада Ўзбекистон ва Туркменистон давлат байроқлари акс эттирилган. Уларнинг ёнидаги гранитда Ислоҳ Каримовнинг "Биз қадрлашимиз ва юксалтиришимиз зарур бўлган муҳим бойлик – бу мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ишончдир" деган сўзлари ўзбек ва туркман тилларида битилган.

Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов Буюк Йўлбошчимизнинг ушбу ўнгитига амал қилиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ишончли муносабатлар, ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантиришга қарздор эканини таъкидлади.

Ислоҳ Каримов буюк сиёсатчи, улуғ давлат арбоби, ўз халқини жонидан ортиқ севган ватанпарвар инсон эди, деди Гурбангули Бердимухамедов. Ўзбекистоннинг янги ҳаётида дуч келган турли муаммо ва қийинчиликларни оқилона енгиб ўтди. Бутун минтақа тинчлиги ва ҳамкорлигига, жумладан, Ўзбекистон билан Туркменистон алоқаларини ривожига улкан ҳисса қўшди. Ислоҳ Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш қарзимиз эди. Бутун ушбу

вазифани адо этар эканмиз, у кишининг меросини асрашимиз, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашимиз зарур.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирилганига учун чуқур миннатдорлик билдирамиз, деди Шавкат Мирзиёев. Ислоҳ Каримов буюк давлат арбоби, узоқни кўра оладиган доно сиёсатчи, замонамизнинг ёрқин, бутун минтақамизда тинчлик, хавфсизлик ва аҳиллик муҳитини яратишга улкан ҳисса қўшди. Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида қарор тошган алоқалар дўстлик, яхши қўшничилик муносабатларининг намунасига айланди.

Президентлар Ислоҳ Каримов ёдгорлик мажмуасига гуллар қўйдилар. Ислоҳ Каримов номидаги кўча буйлаб сайр қилдилар.

Ўзбекистон ва Туркменистон ҳукуматлари аъзолари, дипломатик корпус, кенг жамоатчилик вакиллари ҳам Биринчи Президентимиз ёдгорлиги пойига гуллар қўйдилар.

Туркменобод шаҳридаги "Рухият" саройида Ўзбекистон ва Туркменистон санъат усталарининг концерти намойиш этилди. Бу ўзбек ва туркман халқларининг бир-бирига яқинлигини яққол намоён этди, мамлакатларимизнинг замонавий ва муғтоз санъати билан кенг танишиш учун тўлай имконият бўлди.

Сарой фойесида ўзбек ва туркман халқ амалий санъати буюмлари намойиш этилди. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга давлат ташрифи якунига этди.

Туркменобод аэропортида Ўзбекистон Президентини Туркменистон Президенти кузатиб қўйди.

Президентимизнинг Туркменистонга ташрифи ва унинг доирасида имзоланган ҳужжатлар, бўлиб ўтган маданий тадбирлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик яхши қўшничилик ва қардошлик тамойиллари асосида ривожланиб бораётганини яққол намоён этди.

Анвар САМАДОВ,  
 ЎЗА

Тошкент – Ашхобод –  
 Туркменобод – Тошкент.

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SHAVKAT MIRZIYEVNING XALQARO XOTIN-QIZLAR BAYRAMIGA BAQIQLANGAN UCHRASHUVDAGI HUTQI

Ассалому алайкум, азиз опа-сингиллар!

Муҳтарам дўстлар!

Аввало, сиз, азизлар билан юртимизга баҳор нафаси кириб келаётган ёрув кунларда, Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида мана шу мухташам кошонада учрашиб турганимдан гоят хурсандман.

Шу қутлуғ айём – 8 март байрами билан сизларни, сизларнинг тimsолинингизда бутун мамлакатимиз аёлларини, муҳтарам онахонларимиз, қадри опа-сингилларимиз, гўзал қизларимизни чин қалбимдан муоракбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилаklarимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Барчамиз учун азиз ва муътабар бўлган аёл зоти ҳақида сўз юритар эканмиз, авваломбор, бизни дунёга келтирган, оқ сўт бериб вояга етказган Она сиймоси олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

Ер юзиде муқаддас деган сўзга эгил муносиб зот бу – аввало, Онадир. Халқимиз она сиймосини доимо улуғлаб, ардоқлаб яшайди. Юртимизда оналарни шарафлаб муҳташам ҳайкалар бунёд этилгани ҳам шундан далолат беради.

Биз Она тimsолида Ватанимизни, унинг гўзал ва бетакрор қиёфасини кўраимиз. "Она Ватан" деган ибора бежиз айтилмаган, бунда чуқур маъно бор. Инсонни инсон қиладиган мана шундай юксак туйғу ва тушунчаларни болаларимиз қалбига ёшлигидан сингирдик, шoirларимиз, рассомларимиз, санъаткорларимиз оналарни, аёлларни тараннум этадиган янги-янги асарлар яратсалар, нур устига нур бўлар эди.

Аёлни эъзозлаш, аёлга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос олижаноб қадрият ҳисобланади. Биз, барчамиз қандай қасб, қандай лавозимда ишламайлик, қалбимиз, юрагимиздаги жамики эзгу фазилатлар учун сиз, меҳрибон аёллардан умрбод қарздормиз.

Айниқса, сиз, азизларнинг соғлом зурриёд, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишдаги ўрнигиз ва хизматингизни ҳеч нарса билан қийслаб, баҳолаб бўлмайди.

Сизларнинг меҳр-муҳаббатингиз, вафо ва садоқатингиз, фидойилигингиз сабабли ҳаётимиз чарогон. Сизлар туфайли оилаларимизда тинчлик-осойишталик, қут-барака ҳукм сураётгани учун барчангизга ҳар қанча тасанно айтсак, арзийди, албатта.

Қадри юртдошлар!

Бутунги кунда Ўзбекистон хотин-қизлари ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида ўзларини тўла намоён этиб келмоқда.

Сизлар давлат ва бошқарув идоралари, вакиллик органларида, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва фермерлик тармоқларида, ижтимоий соҳаларда самарали меҳнат қилиб, Ватанимиз таракқиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бу ҳақиқатни халқимиз, жамиятимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз хотин-қизлари орасида 514 нафар фан доктори, 6 нафар академик, 15 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони, 17 нафар сенатор, 15 нафар Қонунчилик палатаси депутати борлигини, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 23 фойиздан зиедини айнан аёлларимиз ташкил этишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўнлаб опа-сингилларимиз "Ўзбекистон фан арбоби", "Ўзбекистон халқ шoirи", "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси", "Ўзбекистон халқ артисти" сингаи давлатимизнинг юксак фахрий унвонларига сазовор бўлганлар. Шулар қаторида 240 нафар ёш истеъод эгаси Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган ва уларнинг сафига бу йил яна 15 нафар иқтидорли қизимиз қўшилмақда.

Биз бутун ўзининг фидокорона меҳнати, эришган улкан ютуқлари, давлат ва жамоат ишларидаги фаол иштироки, ибратли фазилатлари билан халқимиз ўртасида обрў-эътибор қозонган юзлаб опа-сингилларимизнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Айниқса, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, қишлоқ хўжалиги соҳаси фидойилари Халчаон Мирзаева, Патилахон Эргашева, Сиёсатхон Абдуллаева, маҳоратли педагоглар Манзура Мадалиева, Мавлуда Исмаилова, Вера Пак, Анора Маҳмудова, Муҳаббат Шаропова, атоқли навоийшунос олимимиз Суйима Ганиева, устоз шифокорлар Малика Абдуллахўжаева, Ойшахон Қўчқорова, Онесия Саитова, қўли гул хунарандлар Муъссар Темирова, Мартия Раҳматова барчага ўрнатилган ва намуна бўлиб келмоқдалар.

## ОИЛА ЧАРОҒБОНИ, ЖАМИЯТ КЎРКИ

Баҳорнинг илк кунларида хотин-қизлар байрамининг нишонланишида ҳам ажиб бир рамзий маъно борга ўхшайди. Зеро, баҳор ҳам, аёл ҳам гўзаллик, нафосат ифодасидир.

Шу кунларда бутун мамлакатимиз бўйлаб 8 март – Хотин-қизлар кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

Пойтахтимизда ўтган байрам тадбирига Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан турли соҳаларда меҳнат қилаётган илгор аёллар таклиф этилди.

Байрам иштирокчилари Муствақиллик ва эзгулик монументи – Бахтиёр она ҳайкали пойига гуллар қўйди. Пойтахтимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди. Ўзбек Миллий академик драма театрида "Иймон" спектаклини томоша қилди.

"Наврўз" давлат қабуллар уйида 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан таътанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев тадбирда иштирок этиб, мамлакатимиз хотин-қизларини ушбу айём билан табриклади.

Давлатимиз раҳбари адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият, спорт соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган 15 қизга ана шу юксак мукофотларни таътанали равишда топширди.



www.milliytiklanish.uz  
 сайтида ҳам уқинг!

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда муътабар аёл зотига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ўзининг иқтидори ва ибратли фаолияти билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган қизларни рағбатлантириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги "Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонига асосан:

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини аёло хулқи, ноёб истеъодди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқинишдаги муваффақиятлари ҳамда адабиёт, маданият, санъат, таълим ва спорт соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатта мувофиқ маъқуллансин.

**Ушбу сонда:**

**АЁЛЛАР ҲАМИША  
 ЭЪЗОЗДА**

3-бет

**ЖОЙЛАРДАГИ  
 МАСАЛАЛАР ЕЧИМИ**

4-бет

ХУДАУ РИВОЖИ, ИНСОН МАНФААТЛАРИ  
 ТАЪМИНЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**ҲАРАКАТЛАР  
 СТРАТЕГИЯСИ:  
 ТАРАҚҚИЁТНИНГ  
 ЯНГИ БОСҚИЧИ**

5-бет

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Шулар қаторида таниқли академикларимиз Машҳура Мавлоний, Раъно Убайдуллаева, Сайёра Рашидова, Анна Глушенкова, Муҳаббат Абидова, Ўзбекистон халқ шоирлари Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиева, Энахон Сиддиқова, Ўзбекистон халқ артистлари Яйра Абдуллаева, Тўти Юсупова, Галина Мельникова, Муножот Йўлчиева, Ҳақар Зокирова сингари аёлларимиз халқимиз орасида маълум ва машҳурдирлар.

Миришкор фермер ва тадбиркорлар Лолахон Муродова, Рашида Ёдгорова, Дилфуза Музаева, Сарвиноз Шокирова, Зулфия Очилова, Зебихон Рустамова, Райхон Раҳмонова, Анна Добрих, Зулхумор Эрматова, захматкаш устоз ва мураббийлар Агрепина Шин, Жамила Баймуратова, Валентина Недикова, Тоҳира Исмолова, Елена Кучеренко, Сайёра Умарова, жонқур маҳалла раислари ва маслаҳатчилари Гулбаҳор Султонова, Марҳамат Мақсудова, Бувинисо Ҳамроева, Гулжаҳон Ибраимова, Феруза Ҳасанова, моҳир шифокорлар Феруза Эрматова, Дилоромхон Тошболатева каби опа-сингилларимиз самарали меҳнат қилиб, бахт топган инсонлардир.

Ана шундай хурматли аёлларимизнинг кўпчилиги бугунги учрашувда иштирок этаётгани давримизга янада фойда бағишлаб турибди.

Бугунги кунда мамлакатимизда илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг 72 фоизи — шунга эътибор беринг, 72 фоизи — айнан хотин-қизлардир.

Маҳалла раислари ва фаолларининг ақсарият қисмини аёллар ташкил этади. 8,5 миңдан ортиқ опа-сингилларимиз маҳалла-ларда диний таърифат ва таънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи сифатида фаол иш олиб бормоқдалар.

Хурматли дўстлар! Барчамизга яхши маълум, ўтган йигирма беш йил мобайнида халқимиз ўта оғир синов ва машаққатларни, турли қийинчиликларни енгиб, улкан ютуқ ва натижаларни қўлга киритди.

Бундай марраларга эришишда оилада, меҳнат жамоаларида, умуман, жамиятимизда энг катта бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш ва мустаҳкамлашда юртимиз хотин-қизларининг донолиги, сабр-қаноят ва матонат, шукроналик, оилага садоқат каби ибратли хусусиятлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Мана шундай олижаноб, ҳақиқатан ҳам буюк инсоний фазилатларининг учун сизларга яна бир бор ўз номимдан, эл-юртимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришни ўзинимиз бурчим деб биламан.

Азиз опа-сингиллар! Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади.

Бу, албатта, исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг биринчи кунларида бошлаб хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиб бериш, қобилият ва салоҳиятини рўбга чиқариш масаласи юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу асосда оналик ва болаликни ҳимоялаш, оила институтини кўлаб-қувватлаш, аёлларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Бу ҳақда гапирганда, барчамиз Биринчи Президентимиз, муҳтарам Ислам Абдуганиевич Каримовнинг аёл зотиغا, мамлакатимиз хотин-қизларига юксак ҳурмат, доимий эътибор ва гамхўрлик кўрсатиб келганликларини бутун яна бир бор эслаймиз. У кишининг: “Аёл бахтли бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам” деган чуқур маъноли сўзлари амалий ҳаракатларимизда кўламан бўлиб келмоқда.

Биз ана шу эзгу дэватта амал қилиб, мамлакатимизда бошланган кенг кўламли ишларни янги босқичга кўтаришни ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйганмиз. Ўзбекистонимизни янада ривожлантириш бўйича яқинда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси ва унинг узвий қисми бўлган “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури аввалам-

бор ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бизнинг яқин ва узоқ келажакка мўлжалланган сиёсатимизда муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган социал масалаларни ҳал этиш биринчи ўринга қўйилмоқда. Бу одамларни уй-жой билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўладими, аҳолини арзон ва сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлаш бўладими, савдо ва транспорт хизмати, электр, табиий газ, ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўладими, болалар боғчалари, янги мактаблар, санъат ва спорт иншоотлари, радон йўллар куриш бўладими — буларнинг барчаси бўйича биз аниқ дастур ва режаларни ишлаб чиққанмиз ва уларни сўзсиз амалга оширамиз.

Биз жорий йилнинг ўзида қишлоқ жойларда янги намунадаги 15 миңга арзон уй-жой куришни бошлаб юбордик.

Ана шундай янги уй-жой массивларида зарур инфратузилма тармоқлари, жумладан, 415 километрдан зиёд ичимлик суви, қарийб 300 километр электр, 320 километр табиий газ тармоқлари барпо этилади. Яъни бу уй-жойлар яхлит бир комплекс бўлиб шаклланади. Шунингдек, мамлакатимиз бўйича миңлаб километрлик магистрал ва ички йўллар курилади ва таъмирланади.

Юртимизда аёллар ва ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш мақсадида 2017 йилда тадбиркор аёллар учун 1 триллион сўм, таълим муассасаларини битириб чиқадиган 10 миңга яқин ёшларимиз учун 60 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилиш кўзда тутилмоқда.

Биз соғлиқни сақлаш соҳасида юқори технологияларга асосланган, ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг ҳудудларда ҳам фаолият кўрсатишига жиддий эътибор қаратмоқдамиз. Бу оила вилоти ва туманларимизда яшаётган аҳолига қандай янги имконият ва қулайликлар туғдиришини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.

Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикасини оладиган бўлсак, бу ерда Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиалида кўп тармоқли болалар клиникаси курилиши жадал олиб борилмоқда. Бу шифохона яқин келгусида Оролбўйи минтақасидаги болалар саломатлиги бўйича йирик марказга айланади.

Хоразм вилоятида эса Россиянинг А.Бакулев номидаги машҳур клиникаси билан ҳамкорликда юрак-қон томир жарроҳлиги бўйича тиббий марказ курилиши бошланди.

Айни вақтда Термиз шаҳрида Республика урология, Кўз микрохирургияси ҳамда Гинекология ва акушерлик илмий-амалий марказларининг филиаллари барпо этилади.

Шулар қаторида Қашқадарё вилоятида Республика кардиология ва Эндокринология марказларининг филиалларини бунёд этиш бўйича ҳам амалий ишлар бошлаб юборилди.

Биз қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини, тез ёрдам хизмати, профилактика ва патронаж тизимини янада такомиллаштириш борасида ҳам кенг миқёсда иш олиб бормоқдамиз.

Ўйлайманки, “Инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ” деган эзгу гояни амалга оширишга қаратилган бундай ишларнинг аҳамиятини халқимиз, авваламбор, сиз, азиз аёлларимиз ҳаммадан кўра яхши тушунаси.

Мен жойларда бўлиб, халқимиз вакиллари, муҳтарам аёлларимиз билан мулоқотда бўлганимда, уларнинг қувонч ва ташвишлари билан яқиндан танишганимда, турли қийинчилик ва муаммоларга қарамасдан — ҳаёт ўзи ҳеч қачон муаммосиз бўлмайдиган — опа-сингилларимизнинг орзу-интилишлари, ҳаётга, эртанги кунга катта ишонч билан қараётганини кўриб хурсанд бўламан. Чунки биз ўз олдимизга қўйган улкан мақсад ва вазифаларни амалга оширишнинг энг муҳим шартин, энг асосий заминин ҳам асада халқимизнинг мана шундай ишончидир.

Қадрали опа-сингиллар! Барчамизга яхши аён, бугунги шиддатли замон, дунёдаги аёвсиз рақобат муҳити биздан жуда катта маъсулятни ва сафарбарлик билан ишлашни, ҳамма соҳада янгича ёндашувларни талаб этмоқда.

Мана шундай кескин шароитда биз юртимизда тинчлик ва осовийшлик, фуқаролар ва милаатлар ўртасида ҳамжихатлик муҳитини кўз қорачигидек асрашимиз зарур. Айниқса, фарзандларимизнинг қалби

ва онгини ёвуз хавф-хатарлардан ҳимоя қилишга энг долзарб вазифа, деб қарашимиз керак.

Агар биз таълим-тарбия, маданият ва маънавият соҳасидаги ишларимизни аниқ тизим асосида ташкил этиб, уларнинг самарадорлигини оширсак, эртанги кунимизни қуролмаймиз, ўз мақсадларимизга етолмаймиз.

Бу борада “Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она” деган шиор доимий кун тартибда туриши лозим. Биз ёшларимизни милаий ва умумбашарий кадриятлар руҳида тарбиялаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур. Бундай гоят муҳим вазифани амалга оширишда биз аввало кўпни кўрган қай-вони онахонларимизга, маҳалла фаолларига, муҳтарам фахрийларимизга, сиз, азиз опа-сингилларимизнинг ақл-заковатингиз, билим ва тажрибангизга таянамиз.

Оилаларда тиббий, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юрталарини битириб чиқётган ёшларимизни, авваламбор, қиз болаларни иш билан таъминлаш давлат идораларининг биринчи галдаги вазифаси бўлиши шарт.

Айниқса, қизларимизнинг саломатлигини асраш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарлар эгаси бўлиб вояга етиши, жамиятда ўз муносиб ўрнини топиши учун биз барчамиз — ота-оналар, жамоатчилик, мутасадди раҳбарлар жавобгарлик ва масъулиятимизни янада кучайтиришимиз зарур.

Нега деганда, қиз бола — бўлгуси оила бекаси, келажакимиз эгасидир. Бутун биз уларга қандай таълим-тарбия берсак, эртала улар янги авлодимизга шундай тарбия беради.

Биз одатда жамиятимиз ҳаётига қарши қаратилган хавф-хатарлар ҳақида гапирганда, кўпинча четдан қирадиган таҳдидларни тушунаемиз. Лекин эски замондан қолган айрим салбий ҳолатлар, афсуски, бугунги тинч ва ёруғ ҳаётимизга соя солиб турибди. Лоқайдик, бир-бирини кўролмаслик, оилада эр-хотин, қайнона-келин, кўни-қўшниллар ўртасидаги келишмовчилик, аёлларга бепайсал қараш — бундай ярамас иллатлар бизга, бизнинг халқимизга мутлақо яраммайди.

Бундай номаъқул ҳолатларни бартараф этиш учун биз ҳар томонлама чуқур ўйлаб, мунтазам равишда иш олиб боришимиз керак. Шу мақсадда биз маҳаллий ҳокимликлар ва ички ишлар тизимини, “Маҳалла” ва “Нуроний” жамғармалари тузилмасини тубдан ўзгартирдик, уларга ёшлар билан ишлайдиган қўшимча штатлар бердик.

Айни шундай ислохотларни биз Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги тузилмалари бўйича ҳам амалга оширишни режалаштирганмиз. Қўмита ва унинг ҳудудий бўлиmlарини ваколатларини янада кенгайтириш, уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, опа-сингилларимизнинг меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш, бунинг учун янги имтиёз ва имкониятлар тизимини яратиб бўйича аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилмоқда.

Буларнинг барчаси юртимизда хотин-қизларнинг оила ва жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини ошириш, уларнинг ҳаётий манфаатларини янада кенг таъминлаш каби эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Мунис ва меҳрибон опа-сингиллар! Гузаллик ва нафосат айёми — 8 март байрамимиз биз ҳар сафар катта қувонч ва ҳаяжон билан кутамиз. Чунки бу кутлуғ айём қалбимизда, юрагимизда сизларга бўлган чексиз меҳримиз, ҳурматимизни изҳор этиш учун яна бир катта имконият беради.

Шу маънода, агарки бу байрам бизнинг ҳаётимизда бўлмаган тақдирда ҳам мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиз, дилбар қизларимизнинг ҳурмати учун бундай байрамни албатта ташкил этган бўлардик.

Нега деганда, сизларнинг доимо мана шундай очилиб, ҳаётдан, тақдирдан рози бўлиб, яйраб-яшнаб юришингиз учун, сизларнинг бахту саодатингиз учун биз доимо сидқидилдан хизмат қилишга тайёрмиз.

Илоҳим, мана шундай қувончли кунларимиз кўп бўлсин! Сизларни бугунги кутлуғ байрам билан яна бир бор табриқлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, фарзандларингиз, набираларингиз камолини кўришни тилаймиз. Ҳамиша соғ-омон бўлинг, азизлар!

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти бўйича кўзда тутилган 14 та мукофот ўрнига 2017 йил учун истисно тариқасида Қорақалпоғистон Республикасининг 2 нафар, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 1 нафардан вакиллари — жами 15 та мукофот берилиши белгиласин.

3. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлаб ўтказилган тантаналарда совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига энг кам ой-

лик иш ҳақининг 50 баравари миқдорда пул мукофоти берилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибдаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Т.Норбоева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2017 йил 3 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 мартдаги ПҚ-2815-сонли қарорига илова

## Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙ ХАТИ

Қараматдинова Айжамал Женгис қизи — Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицейнинг 3-босқич ўқувчиси

Отажонова Гўзал Азамат қизи — Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл тиббиёт коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Тоштемирова Илтижохон Валишер қизи — Андижон педагогика коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Идиева Азиза Журабек қизи — Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежининг 1-босқич ўқувчиси

Абдуразоқова Нигина Абдуваҳоб қизи — Жиззах санъат коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Незьматова Ўйлол Акрам қизи — Қашқадарё вилояти Китоб иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Камолдова Дилноза Самариддиновна — Навоий вилояти Учқудуқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси

Мухаммадҷонова Севинч Иброҳимали қизи — Наманган вилояти Чуст спорт коллежининг 1-босқич ўқувчиси

Ўроқова Дилдора Акмалжон қизи — Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси

Шербекова Нозимабону Нурмухаммад қизи — Сирдарё вилояти Боёвут қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси

Темирова Шаҳрибону Бахтиёр қизи — Термиз давлат университети қошидаги Термиз академик лицейининг 3-босқич ўқувчиси

Раҳматова Дилноза Бақир қизи — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг 1-босқич талабаси (Тошкент вилояти) Курбонова Муштарийбегим Бахтиёржон қизи — Фарғона давлат университетининг 1-босқич талабаси

Машарипова Рухсора Олимжоновна — Ўрганч давлат университети қошидаги 2-академик лицейининг 2-босқич ўқувчиси

Турсунқулова Нигора Акмал қизи — Тошкент шаҳри Миробод енгил sanoat ва сервис касб-ҳунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси

## ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Туризм иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг асосий омилларидан. Мазкур соҳа иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми сифатида иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимини муҳим ўрин тутади: қўшимча иш ўринлари яратишти, аҳоли бандлигини таъминлаш, миллат фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади, иқтисодий фаолиятнинг ўзаро боғлиқ бўлган қатор тармоқлари, инфратузилмани ривожлантиришга туртки беради. Ушбу омиллар ўз ўзидан соҳа ривожига илғор давлатлар тажрибаларини ўрганиш, амалиётга татбиқ этишни тақозо этади.

Пойтахтимиздаги “City Palace” меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Туризм соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш республика маркази, Корея Республикаси Маданият, спорт ва туризм вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Миллий туризм ташкилоти томонидан ташкил этилган “Туризм сиёсати амалиёти” мавзuidaги семинарда Ўзбекистоннинг сайёҳлик имконияти, Жанубий Кореянинг бу соҳадаги тажрибаси хусусида сўз борди.

Тадбирда икки мамлакатнинг туризм соҳасидаги етмишдан ортиқ давлат ва хусусий ташкилотлари вакиллари, тегишли олий таълим даргоҳлари ўқитувчи ва талабалари иштирок этиди. Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар қатори сайёҳлик йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, соҳада амалга оширилаётган қатор қўшма лойиҳалар ўз самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди.

“Жанубий Корея” сайёҳлик тажрибасини ўрганиш” тренинг доирасида ўтказилаётган турли тадбирлар икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш дав-

лат қўмитаси делегацияси 2016 йилнинг 21 ноябрь — 2 декабрь кунлари Жанубий Кореялик экспертлар билан биргаликда туризм соҳасидаги ҳамкорликни барча йўналишларда янада фаоллаштириш бўйича тажриба алмашди.

— Мазкур семинар 2016 йили Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда ташкил этилган тренингнинг мантиқий давоми бўлди, — деди Корея Республикаси Миллий туризм ташкилоти директори Ўринбосари Чои Сеок Бум. — Тадбирдан кўзланган мақсад ўзаро тажриба алмашиш, соҳага янги метод ва технологияларни жалб қилиш, сайёҳлар оқимини кўпайтиришдан иборат. Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти ва имкониятини юқори баҳолаймиз. Туризмга қаратилган алоҳида эътибор, яратилаётган шарт-шароит, махсус семинар-тренинглр мамлакатингизда мазкур соҳанинг янада тараққий этишига хизмат қилади.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимизнинг туризм салоҳияти, соҳага оид қонунийлик тизими ва илғор тажрибаларни амалиётга кенг жорий этиш лозимлигини қайд этиди. Бунинг учун сайёҳлик йўналишида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўзаро амалий ташрифларни янада фаоллаштириш, икки мамлакатнинг туризм соҳасидаги салоҳияти ва имкониятлари билан яқиндан танишиш мақсада мувофиқ экани таъкидланди.

Анжуманда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришнинг долзарб масалалари, ўзаро ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Корея Республикасининг Кёнхи ва Сежонг университетлари профессор-ўқитувчиларининг маърузалари тингланди.

Семинар доирасида ҳужжатли фильмлар намойиш этилди, тақдиротлар, маҳорат дарслари, давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар ўтказилди.

Севара АЛИЖОНОВА, ЎЗА

# ОИЛА ЧАРОФБОНИ, ЖАМИЯТ КЎРКИ

Давоми.  
Бошланиши 1-бетда.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг бу йилги соҳибалари — Тошкент шаҳри Миробод енгил саноат ва сервис касб-хунар коллежи ўқувчиси, 2016 йилги Олимпия ўйинлари иштирокчиси Нигора Турсунқулова, Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси Айжамал Караматди-

бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар ташкилотлари, турли вазирилик ва идоралар вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари тўқин дастурхон атрофида суҳбат курди.

Ўзбекистон халқ шоирлари Иқбол Мирзо, Маҳмуд Тоир, Сирожиддин Саййид оналарга, аёлларга бағишланган шеърларидан ўқиди.

Ўзбекистон Республикаси Бош

ётган кенг қўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Биринчи Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ушбу тузила ишини такомиллаштириш, аёллар ҳаётидаги ролини ошириш, маҳаллалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, соғлом оилаларни шакллантиришда муҳим омил бўлди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-хунар коллежлари битирувчи қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурида ҳам хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

— Ушбу байрам тадбирига йирилган, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган хотин-қизлар юзидан мамнуният ифодасини кўриш мумкин, — деди

Хоразм вилояти Урганч туманидаги 38-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ойгул Давлатжонова. — Бу уларнинг ҳаётдан розилиги, фарзандлари камолини кўраётгани, оиласи мустаҳкам ва фаровонлигидан далолатдир.

Президентимиз халқимиз саломатлиги, маҳаллалар озоишталигига катта эътибор қаратмоқда, — деди Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳридаги “Намозгоҳ” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маъражада Манзура Муродова. — Давлатимиз раҳбарининг “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони зиммамизга янада масъулиятли вазифалар юклатди. Шу мақсадда таълим, тиббиёт, ижтимоий муҳофаза ва банк соҳаси вакиллари, тадбиркорлардан иборат ишчи гуруҳ тузиб, Президентимиз таъкидлаганидек, уйма-уй юриб, одамларнинг муаммо ва талабларини ўрганмоқдамиз, масалаларни жойида ҳал қилмоқдамиз. Бундай мулоқот халқимизнинг кайфиятини кўтармоқда, ҳаётта муносабатини ўзгартирмоқда.

Байрам санъат усталари ва ёш ижроачиларнинг концерт дастури билан якунланди.

**Анвар САМАДОВ,**  
**Аъло АБДУЛЛАЕВ,**  
**Оқил ҒУЛОМОВ (сурат),**  
**ЎЗА**



нова хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаолигини янада ошириш борасида кўрсатаётган эътибори учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди.

Тадбирда қатнашган онахонлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари

вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Т.Норбоева мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, аёлларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, қобилият ва интилишларини рўёбга чиқариш борасида амалга оширила-

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА 100 ЁШДАН ОШГАН ОНАХОНЛАРГА БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Сирдарё вилояти ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар кўмитаси ва “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими томонидан 100 ёшдан ошган онахонлар ҳолидан хабар олиниб, совғалар топширилди.

Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ўрни ва ролини ошириш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, турмуш шароитларини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Айни пайтда вилоятда 22 нафар 100 ёшдан ошган онахон истиқомат қилмоқда. Уларнинг саломатлиги доимий равишда шифокорлар назоратида. Мамлакатимизда тури байрамлар арасида ёши улғ инсонлар ҳолидан хабар олиш, байрам билан қутлаш яхши анъанага айланган. 8 март — Халқаро хотин-қизлар куну муносабати билан Сирдарё вилояти ҳокими Ф.Мирзаев 100 ёшдан ошган онахонларни табриклаб, байрам совғалари топширди.

— Вилоят ҳокимининг уйимизга келиб, байрам билан табриқлаганидан кўнглимиз тоғдек кўтарилиди, — дейди Гулистон туманида яшовчи 103 ёшли Ўғилой момо Йўлхашиева. — Кексаларини қадрайдиған, аёлларини эъзозлайдиған шундай жаннатмонанд юртимиз ҳамиша тинч бўсин! Мана шундай фароҳбахш кунлар учун оналарни доимо йўқлаб турадиған давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз.

## ФАРҒОНАДА “ОБОД ЮРТНИНГ БАХТЛИ ҚИЗЛАРИ” ШИОРИ ОСТИДА ЁШЛАР САЙЛИ БЎЛИБ ЎТДИ

Фарғонада 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган “Обод юртининг бахтли қизлари” шиори остида ёшлар сайли бўлиб ўтди.

Фарғона вилояти ҳокимлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талаба-ёшлари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

— Зулфия номидаги Давлат мукофотини шахсан Президентимиз қўларидан олганимдан ҳалигача ҳаяжонданман, қалбим гурур ва ифтихорга тўлган, — дейди Фарғона давлат университети талабаси Муштарийбегим Қурбонова. — Бундай юксак эътиборга муносиб бўлиш катта масъулият талаб этишини ҳам яхши англайман. Келгусида фаолиятим билан

бу ишонччи оқлашга ҳаракат қиламан.

Биринчи Президентимиз Ислам Қаримов ташаббуси билан ташкил этилган Қаштанзор кўчаси катта байрам масканига айланган. Ёшлар сайлида нақвирон авлодни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайиши учун барча шароит ва имкониятлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар мазмун-моҳияти ҳақида атрофича сўз юритилди. Тинч-осойишта ҳаётимиз, истиқлолимиз, жонажон Ватанимизни, муш аёлларни улғовчи куй-қўшиқлар, шеърлар янгради.

“Онажонимга соғва” расмлар танлови, миллий ўйинлар намойиши, спорт мусобақалари барчада катта таассурот қолдирди.

**Абдуҷалол ҚАЮМОВ,**  
**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,**  
**ЎЗА**

# АЁЛЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

Хотин-қизлар байрамнинг баҳорнинг илк кунларига нишонланшида ажиб рамзий маъно бора. Баҳор аёлларимизга, аёлларимиз баҳорга ўхшайди. Ҳ бири биридан гўзал.

Ҳар қайси жамиятнинг маданий гаражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Шу жиҳатдан Ўзбекистон энг маданийли, юксак маънавиятли мамлакатлардан бири саналади. Онани эъзозлаш — халқимизда олий қадрият. Ватани она, онани муқаддас аташимиз шундан.

Хотин-қизларимизнинг фаолият доираси тобора кенгайиб бормоқда. Уларни бугун жамиятнинг барча жабҳасида учратиш мумкин. Айниқса, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

ЎзМТДП сайловоди Платформасининг ҳар бир йўналишида белгиланган вазифалар бевосита хотин-қизлар, фарзанд тарбиясига дахлдор, мунис оналар манфаати билан уйғун. Шу боис партиямиз сафида хотин-қизлар салмоқли ўрни — 48 фоизни ташкил этади. Партиямиздан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 17 фоизи, вилоят кенгашларидаги депутатларнинг 28 фоизи, туман ва шаҳар кенгашидаги депутатларнинг 24 фоизи, бошланғич партия ташкилотларининг 56 фоизи хотин-қизлардан иборат.

Айни пайтда Халқаро хотин-қизлар куну ЎзМТДПнинг барча гаражадаги ташкилотларига кенг нишонланмоқда.

**Навоий шаҳри.** ЎзМТДП Навоий вилоят кенгашида бўлиб ўтган “Мустақил Ватанда оналар эъзозда” мавзусидаги тадбирда партия вилоят кенгаши ходимлари, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, “Аёллар қаноти”, “Ёшлар қаноти” ҳамда бошланғич партия ташкилот итақчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши “Аёллар қаноти” хотин-қизларнинг маънавий-маърифий ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, демократик жамиятнинг шакллантириш жараёнида уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш ҳамда оилавий ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиб келмоқда. Бу борада партия вилоят кенгашининг қатор ташкилот ва муассасалар, жумладан, Республика “Хунарманд” уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорлиги яхши самара бераётир.

— Оила — муқаддас қўрғон. Аёл эса ана шу масканнинг ободлигини, файзу тароватини таъминловчи, унда камол топаётган фарзандлар тарбияси ва саломатлиги учун масъул, — дейди Навоий шаҳридаги “Лочин” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳаббат Эргашева. — Юртимиз аёллари орасталиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Албатта, бу муқаддас қўрғоннинг мустаҳкам бўлиши ундаги маънавий муҳит барқарорлигига боғлиқ.

— Оилаларнинг мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан аёлларга, уларнинг маънавий етуқчилигига боғлиқ, — деди партия вилоят кенгаши раиси ўринбосари Анаора Бобомуродова. — Партия ташкилотимиз ЎзМТДП сайловоди Платформаси ижросини таъминлаш мақсадида мустаҳкам оилалар сонини кўпайтириш, ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароит ва имкониятларни яратишга қаратилган тадбирлар ўтказмоқда. Айтиш жоизки, партия ташкилотимиз қошида фуқаролар мурожаатлари билан ишлашда самарали тизим йўлга қўйилган. Ҳар бир мурожаат ўз вақтида ўрганилиб, тақлиф ва муаммоли масалалар самимий мулоқот ва суҳбатларда ечим тошмоқда.

Тадбирда аёлни мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар ижро этилди. Ташаббускор, фаол хотин-қизларга ЎзМТДП Навоий вилоят кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

**Гулистон шаҳри.** ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши ташкил этган тадбирда мамлакатимизда хотин-қизларнинг нафақат кундалик турмушда, жамиятимизда ҳам маънавий, нуфузи ошиб бораётгани таъкидланди. Бу борада Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни ривожлантириш, жамият ва оиланинг фарзандлар тарбиясига эътибори ва ғамхўрлигини кучайтириш, ёш авлодни миллий анъана ва урф-одатлар

асосида, қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган қатор лойиҳалари билан фаол иштирок этмоқда. Турли спорт мусобақалари, фестивал ва акциялар партия атрофида юксак билим, зукко ва ташаббускор хотин-қизлар ва ёшларни бирлаштиришга хизмат қилмоқда.

—Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги роли, ўрни ва нуфузини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда, — деди ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари Зулфия Неъматова. — Айниқса, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кўрсатилмаётган ғамхўрлик туфайли оила ва жамиятда соғлом муҳит шаклланимоқда. Бу жараёнда партиямиз ўз фаолиятини йирик лойиҳалар воситасида амалга оширишни йўлга қўйган. ЎзМТДП “Аёллар қаноти” ўтказиб келаётган “Доволик ва ташаббускорлик — сиёсий етақчилик мезони”, “Оилалар савдати — мустақиллик самараси” каби кўрик-танловлар хотин-қизлар истеъдодини қўллаб-қувватлаш, уларнинг маънавий дунёсини, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, сиёсий етақчилик сифатларини шакллантириш, ташаббусларини рағбатлантириш, сиёсий етуқ аёллар ҳисобига партиянинг кадрлар захирасини мустаҳкамлашдек дастурий мақсадларга хизмат қилмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, Ватанга, оилага, ҳаётга ва келажакка эҳтиром — аёлга, онага эҳтиромдан бошланади. Аёлни асраган эл қудратли, онасини эъзозлаган фарзанднинг толеи балеанд бўлади. Зеро, дунёдаги жамияти буюк зотлар, жаҳонгирлар оқила ва доно оналар, гўзал табиятли аёллар бағрида ўсиб-улғайишган. Шу боис ҳам азалдан аёлни муқаддас билиб, унга ҳурмат-иззат кўрсатилаган. Аёл шаънига қасдидалар, шеърлар дostonлар битилган.

— Аёлларга иззат-икром кўрсатиш, уни ардоқлаш, оғирини енгил қилиш миллатимизга хос фазилат, асрий қадриятларимизнинг таянч устунлари саналади, — дейди ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девони раҳбари Шерзод Нурматов. — Оиладаги тотув-

лик, жамиятдаги барқарорлик, юртдаги осойишталикни сақлаб туришда хотин-қизларнинг ўрни беқисс. Шу боис хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш орқали уларни ишга жалб этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларда барча даражадаги партия ташкилотларимиз, депутатлик гуруҳлари фаол қатнашмоқда.

Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусикали драма театри актёрлари ҳамда 2-болалар мусика ва санъат мактаби ўқувчилари томонидан тақдим этилган аёлни мадҳ этувчи сахна кўринишлари, куй ва қўшиқлар тадбирга байрамона руҳ бағишлади.

**Тошкент вилояти.** ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши Оҳангарон туманида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куну муносабати билан “Соғлом аёл — мамлакат тараққиётининг кафолати” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этди.

Тадбирдан кўзланган мақсад — ЎзМТДП сайловоди Платформаси иж-

борасида олиб борилаётган барча саъй-ҳаракат замирида оила муҳитида янгича фикрларнинг янгилаш, порлоқ келажакни куриш ва албатта, ҳақиқиятлик каби эзгу ниятлар мужжасам.

—Тадбир доирасида опа-сингиллари-мизни нафақат байрам билан табриклаш, балки уларни жамиятимизнинг барча йўналишидаги ислохотлар жараёнида янада фаол бўлишга ундаш, мутахассислар кўмагида “Гулобад” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган хотин-қизларни тиббий кўриқдан ўтказиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш каби бир қанча масалаларни амалга ошириш кўзда тутилган, — дейди партия вилоят кенгаши “Аёллар қаноти” етақчи мутахассиси Вилоят Шодиева. — Бу каби амалий тадбирлар ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифалари ижросига хизмат қилади. Жорий йилги фаолиятимизда партия ташкилотларида ташкил этилган фуқаролар қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатлар асосида ёшларни спортта кенг жалб этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган тарғибот тадбирлари, спорт мусобақалари ўтказишни мақсад қилганмиз.

Тадбир доирасида малакали шифокорлар “Спорт ва соғлом турмуш тарзи — саломатлик гарови”, “Соғлом онадан соғлом бола дунёга келади”, “Ҳомиладор аёлнинг руҳий-физиологик ҳолати меъёрида бўлишини таъминлаш учун кўпроқ нималарга эътибор қаратиш лозим” мавзусида матъруза қилиб, мамлакатимизда соғлом оилани шакллантиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Таъкидланганидек, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини янада юксалтириш, бехатар оналикни таъминлаш, ногирон болалар туғилишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самара бераётир.

Тадбир доирасида тиббий кўрик ташкил этилиб, ўндан ортиқ мутахассислик бўйича малакали шифокорлар аёлларга тегишли тиббий маслаҳатлар беришди, соғломлаштириш зарур бўлган беморларга даволаниш учун бешу йўланма, дори-дармонлар тақдим этилди.

Тадбирда янграган Ватан, баҳор, она ва ёшликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар иштирокчиларга кўтарилиб кайфият бағишлади.

**Ойдин АЛИМАРДОНОВА,**  
**“Milliy tiklanish” мухбири**



# ЖОЙЛАРДАГИ МАСАЛАЛАР ЕЧИМИ

хууд ривож, инсон манфаатлари таъминланшига хизмат қилади

Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари хуудларда бўлиб, жойлардаги муаммоларни ўрганмоқда, аҳоли билан мулоқотлар ўтказмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалиётга татбиқ этилган мазкур тизим хуудлардаги мавжуд муаммоларни ўрганиш, жойда ҳал қилиш, бу борада парламент назорати самарадорлигини кучайтиришга хизмат қилади. Юзма-юз мулоқотлар, ўрганиш натижалари парламент аъзоларининг қонун ижодкорлиги жараёнида ҳаётий ташаббусларни илгари суришига муҳим аҳамият касб этади.

Парламент аъзолари шу йилнинг 1 март кундан мулоқотлар ва хуудлардаги муаммоларни ўрганиш баробарида жойларда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишлар, поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти, уларнинг моддий-техник ҳолати билан яқиндан танишмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси хузурида Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиши, дори воситалари таъминотини янада яхшилаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни амалиётга татбиқ қилиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича комиссия тузилиб, унинг Низоми тасдиқланди. Мазкур комиссия режасига мувофиқ, депутатлар хуудлардаги фаолияти давомда қўриқувчилари маҳаллий Кенгашларининг "Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиши, дори воситалари таъминотини янада яхшилаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни амалиётга татбиқ қилиш" ҳамда хуудни ривожлантириш масалалари муҳокамасига бағишланган навбатдан ташқари сессияларида ҳам иштирок этмоқда.

Қорақалпоғистон. ЎзМТДП фракцияси аъзолари Жамила Ниёзова, Зумрад Бекатова ва Жолдасбой Абдужамил Амурдари туманида амалга оширилаётган ислохотлар, аҳоли турмуш тарзи билан танишмоқда.

Депутатлар тумандаги "Бўзёп", "Ўрта қалъа", "Қангли", "Қипчоқ", "Дўрман", "Ҳалимбек", "Қиличбой" овул, "Чордара", "Бўстон", "Осамзор", "Ғузор", "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғинлари хуудларида қатор хонадонларда бўлиб, аҳолининг турмуш тарзи, уларни ўйлантираётган муаммоларни ўргандилар, юзма-юз мулоқотларда фуқароларнинг тақлифлари, фикр-мулоҳазалари билан қизиқдилар.

Очик ва самимий мулоқот юзидан тумандаги иқтисодий инфратузилма ва тадбиркорликни ривожлантириш, банк, молия-кредит ташкилотлари фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш, таълим ва тиббиёт муассасаларини замон талаблари даражасига кўтариш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли бандлигини кафолатлаш масалалари депутатлар диққат марказида бўлди.

— Юртимизнинг марказларидан тортиб чекка хуудларигача обод бўлиб, йилдан-йилга чиroy очиб бораётган, шаҳар қишлоқлар кифеяси тубдан ўзгармоқда, — дейди депутат Зумрад Бекатова. — Хуудларни жойларга чиқиб ўрганиш, одамлар билан юзма-юз мулоқот қилиш мобайнида барча соҳада эришган ютуқларимиз билан бирга, ҳали қилиниши лозим ишлар талай экани, жойлардаги айрим муаммолар аҳолини ташвишга солаётганига гувоҳ бўляпмиз. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасининг Амурдари туманида олаиб бораётган ўрганишларимиз хуудда таълим, тиббиёт соҳаларида, бандлик, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ичимлик суви, газ ва электр энергияси билан таъминлаш борасида муайян камчилик ва муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Масалан, туман аҳолисининг 117 минг 122 нафари тоза ичимлик сувиغا эҳтиёж сезмоқда.

Бундан ташқари, аксарият электр тармоқлари линиялари ёхуд трансформаторлар фойдаланишига яқинсиз ҳолат келиб қолгани ўз-ўзидан хуудда электр энергиясидаги узиллишларга сабаб бўлаётган. Туманининг турли хуудларини ўрганиш чоғида бир қатор ички йўллар носозлигига гувоҳ бўляпмиз. Масалан, туманининг маҳаллий аҳамиятта молик 269 километр автотомобил йўлларининг 46,3 километри таъмирга муҳтож. Жойлардаги бу каби муаммолар аҳоли фаровонлиги, одамларнинг юқори сифатли ҳаёт даражасига тўсиқ бўлаётгани шубҳасиз. Шу нуқтан назардан ҳақ вакилларининг мунтазам равишда жойларда бўлиб, ҳақ билан мулоқот қилиши мавжуд камчиликларни бартараф этиш, пировардида, инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов ва Спикер ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари С. Отамуратов ҳақ депутатлари Амурдари туман Кенгашининг навбатдан ташқари бўлиб ўтган сессиясида иштирок этди. Унда хуудни ривожлантириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

— Ҳақ депутатлари туман Кенгашининг парламент аъзолари иштирокидаги сессиясида беш кунлик ўрганиш натижалари, хууддаги мавжуд муаммолар атрофида муҳокама қилинди, тегишли чоратadbirlar белгилаб олинди, — дейди ҳақ

вий тадбиркорликни ривожлантириш, банклардан имтиёзли кредит олиб, иссиқхоналар қуриш, паррандачилик каби ишбилармонлик фаолияти орқали кўшимча даромадга эга бўлиш юзасидан атрофида тушунчалар берилди. Аҳолини ўйлантираётган масалалар мутасаддилар билан биргаликда муҳокама қилинди.

Баландарик маҳалласида яшовчи Абдужаббор Турсунов депутат билан мулоқотда қурилиш материаллари дўконини терминал билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун кўшимча ер олиш масаласида муурожаат қилди. Депутат ушбу муурожаатни ҳал этиш юзасидан Ҳақ банки туман филиали ҳамда туман ҳокимлигига ўз тақлифни берди.

— Юртимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Қўмтепа маҳалласида яшовчи Ғолибжон Маликов. — Мен ҳам ўз томорқамдан унумли фойдаланиш, чорвачиликни йўлга қўйиш мақсадида кредит олиш учун банкка муурожаат қилган эдим. Бироқ ушбу масала ўз вақтида ҳал этилмади. Шундан сўнг маҳалламизда депутатлар билан учрашув чоғида ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Раҳмоновга муурожаат қилдим. Депутатнинг аралашуви билан менга қорамол олиш учун кредит ажратилмайдиган бўлди. Бу каби учрашувлар қанча кўп бўлса, аҳоли муаммоларини жойида ҳал қилиш



депутатлари Амурдари туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Ширин Янгибоева. — Хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўрганишлар натижалари танқидий таҳлил қилиниб, бу борада соҳа мутасаддилари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари олдидан турган муҳим вазифалар қайд этилди. Ҳақ депутатлари туман Кенгашида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиши, дори воситалари таъминотини янада яхшилаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни амалиётга самарали татбиқ этишга кўмаклашиш ҳамда депутатлик ва жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириш бўйича комиссия тузилади. Комиссиянинг депутатлар ва туман фаолларидан иборат ўн аъзоси тасдиқланди. Таъкидлаш жоиз, айни пайтда туманимизда битта кўп тармоқли поликлиника, 19 та қишлоқ врачлик пункти фаолият олиб бормоқда. Уларда жами 300 нафар шифокор, 951 нафар ҳамшира аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Сессия йиғилишида соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган савий-ҳаракатлар, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати, дори-дармон воситалари билан таъминлашни ҳолатини ўрганиш, соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини назорат қилиш, ҚВПларнинг моддий-техник ҳолатини аниқ таҳлил қилиш, бу борада маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолиятини тубдан ошириш хусусида сўз борди. Бу каби муаммоларни ўрганиб, бартараф этишда биз маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳам фаолият кўрсатишимиз, парламентдаги вакилларимиз билан биргаликда иш олиб боришимиз талаб этилади.

Наманган. ЎзМТДП фракцияси аъзолари Акмал Раҳмонов, Шўҳрат Тўхтабоев ва Нодиржон Мухторов Уйчи туманидаги аҳоли билан мулоқот асносида хууддаги давлат бошқаруви идоралари, корхона ва ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти билан танишиб, ҳал этилиши лозим бўлган масалаларга тегишли мутасаддилар эътиборини қаратмоқда.

Депутат Акмал Раҳмонов Уйчи туманидаги Жийдақапа қишлоғи Қўмтепа, Дўстлик, Балаандарик, Деҳқон, Бўстон, Даҳякота маҳаллаларида яшовчи аҳоли хонадонларида бўлиб, 120 дан зиёд фуқаро билан очик мулоқот қилди. Маҳалла фаоллари, ишбилармонлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш йостидаги фуқаролар, ўқитувчи-мураббийлар, ёшлар билан ўтказилган мулоқотлар кизгин ва самимий кечди. Унда кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланиш, оила-

имконияти ҳам шунча кенгайди.

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шўҳрат Тўхтабоев Ёрқатай қишлоғидаги Гумбаз, Чўртук, Файзиобод, Мирзаравот, Исломобод, Ёрқатай маҳаллаларидаги аҳоли хонадонларида бўлиб, улар билан суҳбатлашди. Депутат юзма-юз мулоқотлар чоғида фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, кредит олиш ва ундан фойдаланиш тартиби, томорқа хўжалиги ва чорвачиликни, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ёш авлод таълим-тарбияси ва бандлик масалалари билан боғлиқ муурожаатларини тинглади. Айрим масалалар ўз жойида ҳал этилди. Масалан, Чўртук маҳалласида истиқомат қилувчи Рустамжон Пулатовнинг янги уйга кўчган икки ўғлининг рўйхатга қўйилиши пайсалга солиб келинаётган экан. Депутат аралашуви билан ушбу куннинг ўзида ҳар иккала фуқаронинг рўйхатга қўйиш ишлари расмийлаштирилди.

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Нодиржон Мухторов туманда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва даражаси, соғлиқни сақлаш муассасаларидаги мавжуд ҳолат, Президентимизнинг 2016 йил 31 октябрдаги "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт бўюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини ўрганди. Хусусан, хууддаги "Бирлашган", "Хизробод", "Қизил-ровот" қишлоқ врачлик пунктлари ва тез тиббий ёрдам хизматлари, "Жавоҳир-Зиёбек-шифокор" хусусий корхонасига қарашли 1-дорихона, "Уйчи дори-дармон" корхонасига тегишли дорихоналар фаолияти билан яқиндан танишди. Шифокорлар, дорилунослар билан юзма-юз мулоқот қилди. Учрашув ва ўрганишлар жараёнида ижобий ишлар билан бирга, ҳали ечимини кутаётган бир қатор муаммолар борлиги ҳам аниқланди. Масалан, тиббиётдаги бирламчи бўлин саналган ҚВПларда, шу жумладан "Ғайрат" ва "Бирлашган" ҚВПда умумий амалиёт шифокори етишмайди. "Тоймас" ҚВПда эса иш вақтида на муассаса мудирини, на ҳамшира ва на навбатчи ходим кўринди. Аксарият ҚВПларда иситиш тизимлари таъмирталаб ҳолатда, кўмир ёқилганини етказиб бериш масаласи ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

"Моҳидил" дорихонасида дори-дармонларнинг 95 фоизига сотиш нархи ёзиб қўйилмаган. Бунинг устига дори-дармонлар ҳамон Президент қарори билан тасдиқланган нарҳдан қиммат нарҳларда сотилмоқда.

Тиббиёт муассасаларини ўрганиш якунлари бўйича депутат Нодиржон Мухторов ташаббуси билан туман ҳокимлиги, тегишли ташкилотлар раҳбарлари томонидан мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар, аниқ вазифалар белгиланди. Қишлоқ врачлик пунктларини умумий амалиёт шифокорлари билан таъминлаш чораларини кўриш бўйича Вазирлар Маҳкамаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига тегишли тартибда депутатлик сўрови юборилмайдиган бўлди. ҚВПларда электр таъминотидаги узиллишларнинг олдини олиш, сув таъминотини йўлга қўйиш бўйича мутасадди идораларга тақлиф-тавсиялар берилди.

Самарқанд. ЎзМТДП фракцияси аъзоси Азамат Пардаевнинг Пайриқ тумани аҳолиси билан мулоқотлари чоғида одамларнинг ўй-ташвишлари, кундалик ҳаётда учраётган турли муаммоларига мутасаддилар билан биргаликда ечим изланди, аксарияти жойида ҳал этилди.

Тумандаги "Халқабод" маҳалла фуқаролар йиғини хуудидидаги Эшмиқосок қишлоғида яшовчи А.Раҳматуллаев етти яшар ўғлининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома маси йўқлиги боис турли муаммоларга дуч келаётган эди. Унинг гувоҳнома олиш борасидаги савий-ҳаракатлари бесамар кетди. Фуқаро ҳақ вакиллари билан учрашув чоғида Азамат Пардаева ана шу ҳақда муурожаат қилди. Депутат аралашувидан сўнг масала ҳал этилди — А.Раҳматуллаевнинг ўғлига туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома расмийлаштирилди.

Мазкур қишлоқдаги яна бир масала депутат кўмаги билан ҳал этилди. Нон ва пишшиқлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Зилола" кичик корхонаси аҳолини нон ва пишшиқлар билан таъминлаш билан бирга, 15 кишининг бандлигига ҳам хизмат қилиб келмоқда. Мазкур кичик корхонага шу пайтга қадар электр тармоқлари уланishi учун рухсат берилмаган экан. Ушбу масалани атрофида ўрганган депутат туман электр тармоқлари корхонаси раҳбарига муурожаат қилди ва у ҳам ўз ечимини топди.

Депутатлар Челақ шаҳарчасидаги газ ва электр таъминоти корхоналари фаолиятини ўрганиб, уларда тўлов терминал ашпаратлари етишмаётганини аниқлади. Банк муассасаларида қилинган муурожаатдан сўнг газ таъминоти унитар корхонасига уқта, туман электр тармоқлари корхонасига битта терминал ашпарати ўрнатилишига келишиб олинди.

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Сиддиқ Намозов ҳам хуудларда ўтказилган учрашувларда аҳолини ўйлантираётган масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, аҳолини газ ва ичимлик суви билан таъминлаш, пенсия пуллаарининг ўз вақтида берилишини ташкил этиш, савдо муассасаларида банк пластик карталари орқали савдо қилиш, умумтаълим мактабларидаги мавжуд муаммолар ўртага ташланди ва аксарияти ўз ечимини топди.

— Болалар тафаккурининг ривожланишида мактабгача таълим муассасаси алоҳида ўрин тутди, — дейди Чопарошли қишлоғида яшовчи Алишер Набиев. — Инсон бутун умри давомида оладиган маълумотларнинг 70 фоизига 5 ёшгача эга бўлар экан. Шунинг учун ҳам фарзандларимизнинг мактабгача таълим муассасаларида тарбия олишлари жуда муҳим. Аммо хуудимизда бирорта ҳам мактабгача таълим муассасаси йўқлиги ота-оналарни анчадан бери ўйлантириб келаяпти. Депутатлар билан учрашувда ана шу масала муҳокама этилиб, маҳалламизда мактабгача таълим муассасаси барпо этиш бўйича тақлифлар ўртага ташланди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар белгиланди. Бундай учрашувлар мунтазам ташкил этилса, бу каби муаммоларга ечим топилиши шубҳасиз.

Мухтасар айтганда, парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шарклантиришга қаратилган бундай очик мулоқотлар шаҳару туманлардаги ҳолатни ўрганиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишда долзарб аҳамиятта эга. Депутатлар аҳоли хонадонларида бўлиб, фуқароларга яқиндан кўмаклашаётгани ҳақимиз манфаатларини таъминлаш, ислохотлар самарадорлигини ошириш ҳамда "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган олажаноб ғояни ҳаётга исчила татбиқ этишга хизмат қилмоқда.

Юртимизнинг барча хуудига парламент аъзоларининг аҳоли билан мулоқотлари давом этмоқда.

Мухтарама КОМИЛОВА,  
Оқилхон ДАДАБОВЕВ,  
Аҳмад ЮСУПОВ,  
"Milliy tiklanish" мухбирлари

## Муносабат

Шу кунларда ўлкамизда барчамиз орзиқиб кулган баҳор, кўклар нафаси кезиб юрибди. Нуруний боболаримиз, кайвони момоларимиз дуога кўл очиб, шу кунларга етказилганга шукроналар айтиб, "омонлик-омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик", дея эзгу ниятлар билдирмоқда.

## НАВРЎЗ — БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ИФОДАСИ

Баҳорнинг илк кунинда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "2017 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёгарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори асосида Наврўз шодиёналарини ана шундай миллий қадриятлар ва давр нафаси билан йўқрилган тарзда ўзгача тантанаворликда, кўтаринки кайфиятда ўтказиш учун жойларда эзгу ишлар бошлаб юборилди. Зеро, Наврўз миллий қадриятларимиз ёрқин акс этадиган энг қадимий ва сеvimли байрамимиздир. Маъно-маъмуни ва фалсафаси билан ҳаётимизга сингир кетган Наврўз яшариш ва янгилашни палласидир.

Азал-азалдан халқимизнинг эзгу ва гўзал қадриятларини, унинг олажаноб орзу-интилошларини ўзида мужассам этиб, қадим аждоқларимиздан бизга ўлмас мерос сифатида безавол ўтиб келаётган Наврўзи олам мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган миллати, тили ва динидан қатъий назар, барча ватандошимиз орзиқиб кутадиган, том маънодаги умумхалқ байрамига айланган. Яқин ўтмишда бу байрамга отилган қанчадан-қанча тошлар, таъйиқларни ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Ҳатто бунга сийсий тус берилган ва тақибланган вақтларда кексаларимиз кўзида кўрганмиз — кўз ёшлар сабабини бутун янада теран англаяпмиз. Шунинг учун ҳам бутунги авлодга, ёшларимиз қалбига Наврўзининг умумшарий моҳияти, унда халқимизнинг юксак маънавий эҳтиёжлари мужассам эканлигини чуқурроқ сингдиришимиз жоиз.

Кўеш тақвимига кўра, Наврўз баҳорги тенг кунлик, кун билан тунининг тенглашадиган вақтига тўғри келади. Табиатдаги бу ҳодисада ҳам ўзига хос ҳикмат бор. Президентимиз қарорда таъкидланганидек, шарқона янги йилнинг бошланиши, табиат уйғонишининг рамзи, асл миллий, энг ардоқли байрам бўлиши Наврўзининг юртимизда меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик, ҳайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг миллий анъаналаримизга садоқат ва умминшоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтиришдаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётганини ниҳоятда қувончландир.

Наврўзга катта қувонч, эзгу мақсадлар билан пешвоз чиқиб халқимизга хос фазилат. Байрам шодиёналари асрлар давомида халқ сайиллари кўринишида кенг нишонланган. Жарчи эрта тонгдан одамларни сайилга чорлаган. Байрамда яхши ниятлар билан сумалаклар пишрилиб, дошқозонлар артоғида лаппар ва ўланлар, халқ кўшиқлари куйланган. Дастурхонларимизга сумалак, ҳалим, кўк сомса, кўк чучвара, норин, гўжа, гилминди, қатама каби витаминларга бой баҳорий таомларимиз тортилган. Сайилнинг энг ҳаяжонли онлари бу, шубҳасиз, халқ томошалари, эпчилик, чак-қонлик, мардлик ва жасорат тимсоли бўлган кураш, кўпқари мусобақалари, болажонларимизга завқ бағишлайдиган "оқ теракми, кўк терак?", "зувуллатар", "варрак учирини", "чиллак" каби миллий халқ ўйинларимиз Наврўзининг боқий шуқудини руҳиятимизга жо этгани билан янада қадрийдир.

Давлатимиз раҳбарининг қарорига кўра, бу йилги Наврўз танталари ҳам айнан халқ сайиллари кўринишида юртимизнинг барча шаҳар, туман ва қишлоқларида юқори савияда ўтказилади. Наврўз маънавий, қадриятлар, урф-одат, анъаналар, меҳр-оқибат, саломатлик байрами бўлиши билан бирга, халқ одобномасидир. Аслида Наврўзининг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган меҳр-мурувват, аҳилик ва тотувлик, ёши улуғ инсонлар, табарруқ отахону онахонларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож инсонларга бевараз ёрдам бериш ва хайрия тадбирлари мазкур қарор асосида янада кенг қулоқ ёйди.

Қарорда барча шаҳару қишлоқларда бўлиб ўтadиган тадбирларда Наврўз байрамидан тарихи, уларни нишонлаш билан боғлиқ урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларимизнинг моҳиятини кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу жараёнда биз депутатлар ҳам фаол иштирок этишимиз, аҳоли, ёшларга ушбу байрамнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб беришимиз лозим. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловотида Платформасида белгиланган миллати, дини ва этники, ижтимоий келиб чиқилишдан қатъий назар, Ўзбекистон халқи ва барча фуқароларининг бирдамлигини мустаҳкамлаш, маънавий қадриятларини, урф-одат ва анъаналарини, бой тарихий меросни асраб-авайлаш ва кўпайтиришга кўмаклашиш сингари дастурий мақсад-вазифалар ижросига хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, бу йил ўзгача руҳда ўтадиган Наврўз бирдамлик, аҳилик байрами бўлиш билан бирга, барчамизга хайри ишларни янада кўпроқ амалга ошириш учун янгидан-янги куч-ғайрат бағишлаши шубҳасиз.

Саифулла ТУРСУНОВ,  
Термиз давлат университети профессори,  
ҳалқ депутатлари Сурхондарё вилоят  
Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат

ЎзМТДП ташкилотларида

# ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ: ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини кенг жамоатчилик барқарор тараққиётимизнинг муҳим пойдевори, аниқ мақсад ва вазифаларни қамраб олган ҳаётий дастур сифатида юқори баҳоламоқда. Айни кунларда Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти, аҳамияти давлат ва жамоат ташкилотларида чуқур таҳлил қилинмоқда, ўрганилмоқда.



Жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳуқуқий ташкилотларида ҳам мамлакатимизнинг кейинги беш йиллик тараққиётида дастуриямал ҳужжат бўлган Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти тартиб-бағишланган давра суҳбатлари ташкил этилаётир.

**Нукус шаҳри.** ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда партия олдига турган долзарб масалаларга бағишланган "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси — фаолиятимиз дастури" мавзусидаги давра суҳбати ташкил этилди. Унда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари, ўқитувчи ва талабалар иштирок этди.

Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Тожибой Романов Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор масалалар ҳақида сўз юритиб, дастурнинг биринчи йўналишида ўз ифодасини топган мақсад-вазифалар, шу жумладан, сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, ваколатини

қотда бўлиб, уларни ўйлангиратган масала-муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда шу асосда депутатлик сўрови, сессиялар ва доимий комиссиялар кун тартибига ташаббус-масала олиб чиқишга эътибор қаратишни тақозо этади. Ўтган йилда электротар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидеги ЎзМТДП фракцияси аъзолари 141 депутатлик сўровини амалга оширди. Улар ташаббус билан 11 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланган.

Жорий йилда халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари "Археологик мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ижроси ҳолатини ўрганиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси сессияси кун тартибига киритиш, халқ таълими муассасаларининг китоб ва зарур ўқув-усулвий қўлланмалар билан таъминланиш ҳолати бўйича доимий комиссияларга таклиф олиб чиқишни режалаштирган.

2017 йилни Президентимиз то-

лат ва бошқарув органлари билан биргаликда муаммоларни жойида ҳал этиш чораларини кўриш зарурлиги таъкидланди.

Тадбирда сўзга чиққан партия фаоллари Ҳаракатлар стратегиясининг мақсад ва вазифалари, мазмун-моҳиятини халқимизга етказишда партия ходимлари ва депутатлар масъулиятини ошириш, янги қабул қилинган қонун, фармон ва қарорларнинг ҳудуддаги ижросини назорат қилишда фаоллик кўрсатишни таъкидлади.

Партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари вакиллари, журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

**Наманган шаҳри.** Фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти даражаси — демократик жамиятнинг негизи ва ҳуқуқий тизим етуқлигининг муҳим белгиси. Шу боис ҳар бир фуқаро наинки қонуларни билиши, балки уларни ҳурмат қилиши, қонуларда ифодаланган меъёр ва қоидаларга онгли равишда риоя этиши зарур. Қонунга ҳурмат ҳуқуқий давлатнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолиятининг асосий талабларидан биридир. Ана шу тизимни янада ривожлантириш ва бунинг замирида қонун устуворлиги ҳамда суднинг чинакам мустақиллигини таъминлаш чора-тадбирлари Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи йўналишида аниқ мақсад-вазифа сифатида белгилаб берилган.

ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши "Ҳаракатлар стратегияси — суд-ҳуқуқ соҳаларини янада демократлаштиришнинг янги босқичи" мавзусида ташкил этган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди. Унда Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти, долзарблиги, ҳаётийлиги ва мамлакатимизни ривожлантиришдаги муҳим аҳамиятига эътибор қаратилади.

— Ҳаракатлар стратегиясининг "Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш" деб номланган йўналишида белгиланган вазифалар демократик ҳуқуқий давлат қуриш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашда муҳим асос бўлиб хизмат қилади, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Раҳмонов. — Унда назарда тутилган талабларни амалга ошириш, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш соҳа вакиллари, масъул идоралар ва, айниқса, биз, депутатлар зиммасига улкан масъулият юклайди. Қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг қонуларга даҳдорлик туйғусини ошириш, ҳуқуқий ҳужжатлар ижросида уларнинг жавобгарлик масъулиятини янада кучайтириш, умуман бу борадаги ислохотлардан одамларни боҳабар қилиш зиммасидаги муҳим вазифадир. Бунинг учун аҳоли билан доимий ва самарали мулоқотни йўлга қўйиш, жойлардаги ўрганишлардан келиб чиқиб қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишимиз лозим.

Ҳаракатлар стратегиясининг мазкур йўналиши суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган. Шу билан бирга, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик қонунчилигини янада ислоҳ қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш каби долзарб вазифалар белгиланган.

Ҳаракатлар стратегиясининг ушбу йўналишида барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, давлат ҳамда ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий дав-

лат ҳокимияти органлари раҳбарлари халқ билан бевосита мулоқотни йўлга қўйиш таъкидлаб ўтилган. Бу эса уларга одамларнинг эркин мурожаат эта олишини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш, аҳолининг давлат идораларига бўлган ишончи янада ошишига хизмат қилади.

Давра суҳбатида Ҳаракатлар стратегиясидаги суд-ҳуқуқ соҳаларини янада демократлаштириш борасида илгари сурилган устувор масалалар ЎзМТДП сайловди Платформасидаги вазифалар билан ҳамохан эканлиги таъкидланди. Шу боис партия фаоллари ва депутатлар одамларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларини янада ошириш, қонун ижроси таъминланишини назорат қилишда ташаббускор бўлиши лозим.

Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан мутасадди ташкилотлар мутахассисларидан жавоб олди.

**Самарқанд шаҳри.** Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва либераллаштиришнинг энг долзарб масалалари ечим юзасидан аниқ вазифалар, истиқболли режалар белгилаб берилган. Экспортта мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш, транспорт-логистика инфратузими масисини, тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши ташкил этган "Ҳаракатлар стратегияси — барқарор тараққиётимиз кафолати" мавзусидаги давра суҳбатида ҳам айтиш шарт устувор вазифаларнинг мазмун-моҳияти, унинг вилоятдаги ижросига доир масалалар муҳокама этилди.

— Иқтисодий жиҳатдан тараққий топган давлатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, иқтисодиётни тадбиркорлик, жумладан, кичик бизнес ривожисиз тасаввур этиб бўлмайди, — деди халқ депутатлари Иштихон туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Тўлқин Алиев. — Туризмни ривожлантириш ва туристик салоҳиятдан самарали фойдаланиш ҳам мамлакат иқтисодиётида муҳим ўринга эга. Кўҳна Самарқанд шаҳрининг тарихий обидалари халқаро сайёҳларнинг доимий эътиборида бўлиб келган. Шу боис, халқаро сайёҳлар тапширини янада ошириш, уларга замонавий қулайликлар яратиш ва сифатли хизмат кўрсатиш соҳа ривожига алоҳида аҳамият касб этади. Ҳаракатлар стратегиясида айнан туризмни ривожлантиришга устувор вазифа сифатида қаралган бежизга эмас. Шундай экан, туризмни жадал ривожлантириш, жойларда ишбилармонлик муҳитини янада шакллантириш, бу борада қулай сармоявий имкониятлар яратиш лозим. Мазкур устувор масалаларнинг ҳудуддаги ижросини таъминлашда биздан ўзaro ҳамжиҳатлик ва вазифа-масъулият билан ёндашиш талаб этилади.

Таъкидланганидек, ҳудудни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолига қулай шарт-шароит яратиш, уларни замонавий уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Шу мақсадда Самарқанд вилоятида барча турдаги уйлардан 1 минг 758, шундан Самарқанд шаҳрининг Рудакий кўчасида 405 хонадонга мўлжалланган беш қаватли 9 уйни қуриш режага киритилган. Бундан ташқари, Самарқанд шаҳрининг канализация тизимини реконструкция қилиш, Самарқанд вилояти Қўшработ тумани қишлоқ аҳолисининг ичимлик

суви таъминотини яхшилаш лойиҳаси амалга оширилади.

Ҳар бир туман ва шаҳардаги маданият ва истироҳат боғлари ҳудудида "Нуронийлар маскани"ни ташкил этиш, уларни бой кутубхона, дам олиш, соғломлаштириш ва тиббий хизмат жиҳозлари билан таъминлаш энг устувор вазифа сифатида белгиланган. Буларнинг барчаси юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, жамиятимизда қарор топган ҳамжиҳатлик муҳити, халқимиз ҳаёт даражасини янада юксалтириш, ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан баркамол этиб тарбиялашдек эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.



Давра суҳбатида таъкидланганидек, мамлакатимизни келгуси йилларда ҳам ҳар томонлама тараққий эттиришни таъминлашга йўналтирилган ушбу ҳужжатда макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсish суръатларини сақлаб қолиш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан унинг рақобатбардошлигини ошириш мўлжалланмоқда. Қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш каби улуғвор вазифалар белгилаб олинган.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган давра суҳбатида Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилишда фаоллик кўрсатиш, айниқса, чекка ҳудудларда ҳам мазкур стратегиянинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, унда белгиланган вазифаларни атрофлича тушунириш ва партия олдига турган энг муҳим вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Бухоро шаҳри.** Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устуворлигини, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлат чегараларининг дахлсизлигини, жамиятда миллатларaro тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўлидаги шахдам ҳаракатларга янги куч бағишлайди. Натижада, халқимизнинг ижтимоий ҳаёт тарзи янада яхшиланади, одамларнинг дунёқарашини, онгу-шуури, ҳаётга муносабати тубдан ўзгаради, давлат идораларига ишончи янада ортади.

ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши ташкил этган "Ҳаракатлар стратегияси — баркамол авлод ва юрт таянчи" мавзусидаги давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари, партия вилоят кенгаши фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда журналист-

лар иштирок этди.

— Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатдир, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Феруза Ибрагимовна. — Ҳаракатлар стратегиясидаги бешта устувор йўналишдан тўртинчиси ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган. Аҳоли фаровонлигини таъминлаш, бандлик, саломатликни муҳофаза қилиш, уй-жой масалалари қато-

ридан таълим-тарбия тизимини тараққий эттириш масаласи ҳам ўрин олган. Хусусан, тиббиёт масканлари, бирламчи тиббиёт муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, патронаж хизмати, тез тиббий ёрдам тизими фаолиятини янги босқичга кўтариш борасида аниқ тадбирлар олиб борилади. Бунинг замирида аҳоли саломатлиги, миллат генофондини мустаҳкамлаш, оилани ҳар томонлама мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда оилавий поликлиника ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари ходимлари, патронаж ҳамшираларнинг масъулиятини ошириш, аҳоли қатламлари билан ҳамкорлигини тўғри ташкил этиш мақсади мужассам. Натижада эртанги кунимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлган ҳар томонлама соғлом авлоднинг дунёга келиши таъминланади.

Кейинги беш йилда Ҳаракатлар стратегияси доирасида аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ижтимоий инфратузими ривожлантириш ва модернизациялаш, мамлакатимизнинг олис ҳудудларини ҳам электр энергия, газ билан таъминлаш янада яхшилаш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Бу жараёнда қишлоқ жойларда замонавий арзон уй-жойлар барпо этиш, янги ички йўллارни қуриш ҳамда аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида янги автобус йўналишларини янада кучайтириш юзасидан қатор вазифалар белгилаб олинди.

Давра суҳбатида амалга оширилиши кўзда тутилган кенг қўламли чора-тадбирлар аҳоли турмуш даражасини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш ва мамлакатимизда "Инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун" тамойилини ҳаётга иччил таъбиқ этишга хизмат қилиши таъкидланди. Бу жараёнда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг ҳамкорлигини янада кучайтириш юзасидан қатор вазифалар белгилаб олинди.

Усмон АБУРАСУЛОВ,  
"Milliy tiklanish" мухбири



кенгайтириш борасида белгилаб берилган муҳим жиҳатларга эътибор қаратади.

— Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналиши давлат ва жамият қурилиши тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган, — деди Тожибой Романов. — Унда давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролинини ошириш, қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини тубдан яхшилаш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролинини кучайтириш назарда тутилган. Бу эса фаолиятимизни тубдан ислоҳ қилишни, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг барча даражадаги ташкилотлари, партия фракцияси ва гуруҳлари қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик масалаларига доимо эътибор қаратишни талаб этади.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалар ижросида давлат ва жамоат ташкилотлари билан бирга сиёсий партия ва депутатлар ҳам фаоллик кўрсатиши лозим. Энди ҳар бир партия фаоли ва депутат ўз вазифа-ваколатига янада масъулият билан ёндашиши, аҳоли билан доимий ва самарали мулоқотни йўлга қўйиши — давр талаби. Бу аҳолининг кенг қатламлари билан доимий муло-

монидан Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб номланган депутатларнинг бу борадаги фаолиятида янада фаол ва ташаббускор бўлишини, партия тизимида фуқаролар, сайловчилар ва электротар билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги самарали усули ва механизмларини таъбиқ қилишни, партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ҳамжиҳатликда ишлашини талаб этади.

— Ҳаракатлар стратегиясининг ҳар бир йўналиши бўйича аниқ белгиланган вазифаларни амалга оширишда партияимизнинг маҳаллий кенгашлари ва партия гуруҳлари олдига турган асосий вазифаларни белгилаб олди, — деди ЎзМТДП Нукус шаҳар кенгаши раиси Ойгул Утениёзова. — Ислохотлар жараёнида сиёсий партиялар фуқароларнинг мақсад ва манфаатларини рўёбга чиқарадиган куч сифатида янада фаол иштирок этиши лозим. Партия маҳаллий кенгашлари, партия гуруҳлари томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини чуқур таҳлил этиш, уларнинг қай даражада самарали амалга оширилаётганини тизимли мониторинг қилиш, ечимини кутаётган, аҳолини ўйлантираётган масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш, дав-

Депутат миябар

ТЕКИС ВА РАВОН ЙЎЛЛАР

тараққиёт ва фаровонлик омили

Мустақиллик йилларида вилоятлар ва туманларнинг маъмурий марказларини боқловчи кенг тармоқли транспорт алоқалари ҳамда давлатларо хавфсиз транспорт ташувларини таъминлашга қаратилган йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича катта миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Зеро, йўл хўжалиги — илтимой ва иқтисодий жиҳатдан юксак аҳамиятга эга бўлиб, иқтисодий ўсishнинг умумий ривожини, аҳоли барча қатламларининг ҳаёт сифатини айни шу тизимнинг самарали фаолият кўрсатишига боғлиқ.



Шу йилнинг февраль ойида парламент аъзоларининг ҳудудларга чиқиб, мавжуд аҳолини ўрганиш натижалари мамлакатимизда автомобиль йўллари тармоғи бўйича юзага келган бугунги ҳолат йўл хўжалигининг барча йўналишига доир аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишни, автомобиль йўллари бoшқаришни самарали ташкил этишни, айниқса, шаҳарча ва қишлоқларда йўллар тармоғини аҳоли эҳтиёжларига мувофиқ ўзгартириш зарурлигини кўрсатди. Қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул кўчалари билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳал этилмаган ҳолатда. Ушбу автомобиль йўллари ва кўчаларнинг аксарият қисми белгиланган сифат ва хавфсиз ҳаракатланиш талабларига жавоб бермайди. Президентимизнинг шу йил 14 февралдаги "Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу муаммолар ечимини дастуриямал бўлиб хизмат қилади. Фармонга кўра, тугатилган Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик компанияси ("Ўзавтйўл" ДАК) негизда Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат кўмитаси ташкил этилди. Мазкур кўмита автомобиль йўллари бoшқариш бўйича махсус ваколатларга эга давлат органи сифатида асосий вазифаларни бажариши белгиланди. Хусусан, кўмита зиммасига автомобиль йўллари соҳасида ягона техник сиёсатни олиб бoриш, автомобиль йўллари молиялаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш масалаларини автоматик йўллардан фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда комплекс ҳал этилишни таъминлаш, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар кўча-

ларининг мавжуд тармоғи сақланишини таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш каби вазифалар юқланди.

Фармонда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Йўл-қурилиш ишларининг сифати устидан назорат олиб борадиган Давлат инспекциясини ташкил этиш назарда тутилган. Мазкур инспекция сифатли йўл қурилишини, хусусан, йўл-қурилиш материаллари, маҳсулотлар ва конструкцияларни ишлаб чиқаришда меъёрий ҳужжатлар талабларига қанчалик даражада риоя этилишини назорат қилади. Қурилиш тугалланган йўл объектларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар фаолияти янада кучайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсун- бошқармалари этиб қайта ташкил этилади.

Шу билан бирга, йўл-транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳаёт фаолияти учун, айниқса, қишлоқ жойларда қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимиз иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларни истиқболли ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2018 йилларда минтақавий автомобиль йўллари ривожлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Дастурга кўра 2017 йилда 2 минг 700 километр, 2018 йилда 2 минг 754 километр ички йўллар жорий ва капитал таъмирланади. Минтақавий йўллари таъмирлашга ихтисослаштирилган ташкилотлар 330 та йўл техникаси билан таъминланади, республика хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқ ва овуллар кўчалари бoшқариш хатловдан ўтказилади ва уларни паспортлаштириш ишлари олиб бoрилади.

Мазкур фармон ижросини таъминлаш, ушбу йўналишдаги қонунчилик базасини такомиллаштириш ҳамда унинг бажарилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш депутатлар зиммасига катта масъулият юқлайди. Бунинг учун автйўл соҳасидаги фаолиятни таҳлил қилиш, қонунчилик ижроси нуқтаи назаридан ўрганиш мақсадида парламент сўровларини юбориш, соҳага бевосита тааллуқли бўлган қонунларни назорат-таҳлил тартибида ўрганиш каби масалаларда парламент ваколатларидан кенг фойдаланишимиз мақсада мувофиқ, Бу Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурини вазифаларидан бундан аҳоли турмуш сифати ва қулайлигини ошириш, ҳудудлар, шаҳар қишлоқлар ободлигига ҳисса қўйиш борасидаги мақсадлар ижросига аҳолигадир.

Бир сўз билан айтганда, ушбу фармонда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодий ривожига, шаҳар ва қишлоқларимизнинг янада ободлиги, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришга хизмат қилади.

Азамат ПАРДАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси раиси ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Таҳлил

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз олдига қўйган мақсад-вазифаларни амалга ошириш, дастурий вояларини ҳаётга татбиқ этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ваколатларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиб келади. Шу боис маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар фаолиятини тубдан кучайтириш, уларнинг партия дастурий вазифалари ҳамда электрорат манфаатларини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини жадаллаштириш партия тизимидаги устувор вазифага айланган.

Масалан, 2016 йилда Бўстонлик туманидаги "Газалкент" қишлоқ фуқаролар йиғинидан Раҳимберди Мирзатоев халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Фатхулло Аҳмедовга мурожаат қилади. Унда фуқаро ҳудуддаги Глазасой қишлоғига олиб бoриш йўли ёқасидаги 15 сотих ташландиқ ер чиқиндиҳона бўлиб ётгани, ушбу ерни обод қилиб, боғ яратиш мақсади борлигини баён этиб, амалий ёрдам сўраган эди. Депутат Раҳимберди Мирзатоев мазкур ерни фойдаланиш учун бeриш масаласини ҳал этишни сўраб, Бўстонлик туман ҳокимиятининг биринчи ўринбосари, туман ерлардан фойдаланиш комиссияси раисига депутатлик сўрови юборди. Ушбу масала туман ҳокимияти мутасаддилари ва депутат Фатхулло Аҳмедов томонидан ат-

ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ

амалий ишларга йўл очади

ЎзМТДПнинг шу йил 28 январда бўлиб ўтган VIII Пленумида ҳам партиядан сайланган депутатлар фаолиятини тубдан кучайтириш масаласига жиддий эътибор қаратилди, партия етакчиси ЎзМТДПнинг асосий фаолият парламент куйи палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга кўчиши кераклигини алоҳида таъкидлади. Бу эса ҳудудлардаги турли масалалар, аҳолини ташвишга солаётган муаммолар ечимини депутатлик сўровини кучайтириш, бу борадаги ҳуқуқ-ваколатлардан кенгроқ ва самаралироқ фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ.

2016 йилда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз 3,5 мингта яқин депутатлик сўровини амалга оширган. Бу 2015 йилга нисбатан 500 тага кўп.

Депутатлик сўровларини ҳудудлар кесимида таҳлил қилсак, айни жараёнда эришилган натижалар билан бирга, ечимини кутаётган муаммолар ва тўлиқ фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлиги намоён бўлади. Хусусан, фуқаролар мурожаатлари асосида депутатлик сўровларини амалга оширишда халқ депутатлари Андижон, Навоий, Тошкент, Фаргона вилоятлари Кенгашларидаги депутатларимиз қатор ижобий натижаларга эришгани эътиборга молик. Аммо Жиззах, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларидаги аҳоли талаб даражасида эмас. Қонун ва ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан депутатлик сўровларини амалга оширишда Қорақалпоғистон Республикасидаги депутатларимиз, халқ депутатлари Бухоро, Тошкент, Фаргона вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари фаолияти самарадорлиги ошган. Бирок, халқ депутатлари Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Андижон вилоятининг бир нечта туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатларимиз бу йўналишда ўз ҳуқуқ ва ваколатларидан самарали фойдаланмаган. Ваҳоланки, қонун ва қарорларнинг жойлардаги ижросини назорат қилиш маҳаллий Кенгаш депутатлари зиммасидаги масъулият вазифа, қолаверса, бу олиб бoрилмаётган ислохотлар изчиллигини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди.

Депутатлик сўровини амалга оширишда сусткашлик қилган депутатларимиз ҳудудлардаги айрим масала-муаммоларни ижобий ҳал этиш ёхуд фуқароларнинг оғирини енгил қила олиш имкониятларини бой бергани шубҳасиз. Ҳолбуки кўпала депутатларимиз муайян масалада тегишли мутасаддиларга сўров юбориб, аниқ ва ҳаётий натижага эришмоқда.

рофлича ўрганилиб, ижобий ҳал қилинди: ташландиқ ер майдони фуқаро Раҳимберди Мирзатоевга боғ яратиш учун ажратиб берилди.

— Халқимизда яхшидан боғ қолади, деган чиройли мақол бор, — дейди Раҳимберди ота. — Пенсияга чиқиб, ҳудудимиздаги чиқиндиҳонага айланган ташландиқ ерни обод қилиш нияти пайдо бўлди. Бу билан ҳам қишлоғимиз обод, ҳам келгусида боғнинг меваларидан невараларим, ҳамқишлоқларим баҳраманд, кексайган чоғимда эса ўзимга эрмак бўлади. Ана шундай эзгу ниятлар билан депутат Фатхулло Аҳмедовга мурожаат қилдим. Қарангки, 2016 йилнинг февраль ойида депутатимиз мурожаатим асосида тегишли мутасаддиларга сўров юборган бўлса, мана рoшпа-рoса бир йил ўтиб, ташландиқ ер ўрнида чиройли боғ барпо этишга эришдик. Бугун муъжазгина боғимизга олма, гилос, ёноқ кўчатларини, боғ атрофига эса ўрмага тўсиқ сифатида наъматак ўтказганмиз. Яна 3-4 йилда боғимиз мева бeра бошлайди, бундан барча бирдай баҳраманд бўлади, ортганини эса бозорга чиқарамиз.

Дарҳақиқат, фаол депутатларимизнинг қатъияти, саъй-ҳаракати, ўз ваколатларидан самарали фойдаланишлари ана шундай амалий натижаларга асос, туртки бўлаётди. Бугун Раҳимберди ота ўзи ишонч билдирган вакил кўмағида кўркам боғ барпо қилиш бахтига муяссар бўлганидан мамнун. У ҳар сафар ёш ниҳоллардан хабар олиб, яратган боғини кўздан кечирар экан, бу ишга бош қўшганларни алқаб дуо қилади, улардан миннатдор бўлади.

Депутатлик сўрови ваколатидан унумли фойдаланиб, одамларга нафти тегаётган, амалий ишлари билан аҳоли ҳурматига сазовор бўлаётган депутатларимиз фаолиятдан яна кўпалаб мисоллар келтириш мумкин. Қишлоқ ҳудудларидаги ичимлик суви муаммоси, яна бир ҳудудда болалар майдончаси барпо этиш, яна бировнинг тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва бошқа кўпалаб масалалар депутатларимиз кўмағида ҳал этилмоқда. Бугун маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиздан ана шундай ташаббускорлик, халқ ичига кириб бoриб, уларнинг эзгу орзу-ниятларини рўйга чиқариш, муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш талаб этилмоқда. Бунда халқ билан кўпроқ мулоқот қилиш, одамларнинг ўй-ташвишларидан бохабар бўлиш, юзма-юз мулоқотлар ва ўрганишлар натижасида аниқланган масалаларни эса, албатта, депутатлик ваколатларини ишга солиб, ҳал қилиш чораларини кўриш яхши самара бeради.

Муҳтарам КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Фидойи аёлларимиз

МАҲАЛЛАНИНГ АНЗИРАТ БУВИСИ

Жалақудуқ туманидаги "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Жалақудуқ туман кенгаши "Аёллар қаноти" фаоли, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Айиста Норматовани кўпчилиги "Суюнчи" филмидаги Анзират бовига менг-заўду.

Оиласидан ортиб маҳалланинг жонқучи, фидойисига айланган, қишлоқ аҳолининг иссиқ-совуғидан хабар олиш, уларнинг қувончу ташвишига шерик бўлиш 70 ёшга қоралаётган Айиста опага ҳеч қачон оғирлик қилмайди. Онахон иш кунини ҳонадонларга киришдан, уларнинг ҳолидан хабар олишдан бошлайди. Маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, фарзанд тарбияси, ёшларнинг маънавий камолоти йўлидаги ишлар бир дам бўлса-да, эътибордан четда қолмайди — маҳалла раиси доимо эл билан бирга.

Айистанинг касб этган ободонлаштириш ва кўлаамзорлаштириш ишлари ёшлар онига халқимизга хос қадриятларини сингдириш, уларда ҳамжихатлик, даҳадорлик, яратувчанлик туйғуларини камол тоштиришда муҳим оми бўлмоқда. Маҳаллада дам олиш кунлари ҳашар уюштирилиб, аҳоли уй-жойлари атрофини, кўчаларни ободонлаштиради. Маҳалла ҳудудидан оқиб ўтган канал атрофида тозаланиш сақлаш суви муҳофазалаш, чиқиндиларини

ўз вақтида ташиб кетиш ишлари доимий назоратда.

Жонқучар онахон маҳалла аҳолининг бирорта мурожаатига бефарқ қарамайди. Жоиз бўлса, зудлик билан давлат идоралари ва ташкилотларга мурожаат қилади. Яқинда унинг сайёҳаракатлари билан маҳалланинг 25 километр йўлига асфальт, "Оқ эчки" маҳалласининг 750 метр ички ва катта йўлларига шағал ётқизилди. "Сувоқча" корхонаси мурожаат этиб, маҳалла учун тоза ичимлик суви муаммосини ҳал қилишга эришди. Айиста опа маҳалла муаммоларини ҳал этишда шу ернинг тадбиркорлари кўмағига ҳам таянади: уларнинг кўмағига йўл топа бoлади.

"Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси оилавий ажралишларнинг олдини олиш, оилаларда соғлом муҳитни барқарорлаштириш, эрта турмуш қуриш ва оилавий инзоларни барқарор этиш борасида ҳам кўпчиликка ўрнак. Масалан, яқинда ушбу маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Раънохон Хомирзаеванинг қизи Ўйғой ўч фарзанди билан ота-онаси уйига қайтиб келди. Маълум бўлишича, келинчақ арзимас гап-сўз туйғайли қайнонас билан келинқошмай қолган ва аразаб онасиникига қайтган. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳақиқий ҳолатни сўраб-суриштиргач, дарҳол Ўйғой ва болаларини олдига солиб келинлик уйига етаклаб бoради ва уларни яраштириб қайтди. Ҳозирда улар тотуз ҳаёт кечирмоқда. Маҳалладаги Бахтиёр Расулов ҳам икки фарзанди бўлишига қарамай умр йўлидаги Зилолаҳонни онасиникига олиб бoриб қўяди. Бунинг эплитган опа

оила аъзолари ўртасида тушунтирув ишлари ўтказди. Натижада ўзаро тушунмовчиликка чек қўйилиб, ёш оила сақлаб қолинди.

Шуларни ёзаётиб "Суюнчи" филмидаги бир манзара кўз олдимга келди. Анзират буви ўз уйига қулф осиб қўйган докторни қақиртириб танбех бeради: "Мен шу қишлоққа етмиш беш йилдан бeри яшайман. Ҳали шу вақтгача бировнинг игнаси йўқолганини билмайман... Ўзимизнинг ўғри, ўзи турган жойида ўғирлик қилмайди... Агар сенинг мана бу қулфингни кўрса, жуҳа хафта бўлади-га!". Эшикка қулф қачон осилади? Қачонки, одамлар орасидан ишонч, ўзаро меҳр-оқибат кўтарилса. "Афсуски, баъзида уйларимиз тугул, қалбларимиз эшигига ҳам қулфлар осилган!" дейди Айиста опа.

Филмда Анзират бовининг топқирини, ўз қарориди қатъий туриши қишлоқ аҳолининг ҳамжихат бўлишига хизмат қилади. Айиста опа ҳам Анзират бовидан қолишмайди. Одамларнинг дарду қувончи деб баъзида тунларини бедор ўтказаяди. Опани қишлоқ аҳолиси Анзират бовига менгзашичанинг ҳам аса сабаби шунда. Дарвоқе, баъзилар опани "қишлоқнинг қомуси" деб ҳам атайдилар. Бoиси маҳалла аҳоли Айиста онанинг тошшиқларини сўзсиз бажаришга ўрганган.

— Маҳаллаимизда бeкорчи боланинг ўзи йўқ, — дейди маҳалла фаоли Ҳайдарали Отажонов. — Ўғил-қизлар мактабдан коллежга, коллеждан корхонага қамраб олиниб, доим тадбиркорлик, яратувчанлик билан шугулланмоқда. Ёш авлоднинг ўсиб-улайиши, юриш-туриши, бoиси ола-

ши ва касб-ҳунар эгаллаши жамоатчилик эътиборида.

Олий ўқув юртларига ўқишга қиришни ният қилган ёки ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлаган ёшлар ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Уларнинг кейинги фаолияти, ўқиши, иши, оилавий шарт-шароити доимий кузатиб бoрилмақда. Зеро, маҳалла фуқаролар йиғини раисининг фикрича, жиноятнинг бoш омили — бeкорчилик. Шу боис ҳудуд аҳолисини иш билан таъминлашга масъулият билан қарайди. Қороғул маҳалласидаги Озодбек Фойловнинг ишсиз эканини билгач, дарҳол туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари Анваржон Абдурашидов қабули бoрди. Ованинг мурожаати асосида Озодбек Фойлов корхонага назоратчи бўлиб ишга олинди. Ўرғу маҳалласидаги Маҳлиё Аҳмедова ҳам Айиста онадан мамнун. У турмуш ўртоғи бeтаб бўлиб қолгани учун оила тебратилишга бироз қийналиб, Айиста опага мурожаат қилди. Маҳалла раиси Маҳлиёнинг ҳамшира эканини инобатга олиб, қишлоқдаги Ибн Сино номи қишлоқ врачлик пункти раҳбари Нигорахон Муродовага вазиятни тушунтирди. Маҳлиё ҳозир ҚВПда ишлапти.

Депутат маҳалладаги кам таъминланган оилалар ва ногўноқлар ҳолидан хабар олишни қанда қилмайди: уларни йўқлаб кўнглини кўтаришга интилади. Нафакат ўзи, балки бошқаларни ҳам шундай савобли ишларни бажаришга ундайди. Ушбу маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Дилхумор Мўйдинова Айиста онани бузишдек яхши кўради. Сабаби опа

унинг ўқиш истаги борлигини, келажакдаги режаларини эшитиб, Фаргона вилоятига етаклаб олиб бoрди ва Дилхуморни махсус ихтисослаштирилган мактаб интернатга ўқишга жойлади.

"Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғинига кўп йиллардан бeр раҳбарлик қилаётган Айиста Норматова тўйларни камхарж ўтказиш, дабдабозликларнинг олдини олишда ёши иштирокида янги оила қураётган йигит-қизлар, ота-оналар билан суҳбатлар уюштириб, уларни ҳар жиҳатдан соғлом ва мустаҳкам оила бoришга эътибор, тўй-маросимларни ихчам ўтказишга даъват этиб кeлмоқда. Айни пайтда опа халқ депутатлари туман Кенгаши депутати сифатида сессияга милаий тўй-маросимларимизни камчиқим ва дабдабасиз ўтказиш масаласини кири-тиш ташаббусини режалаштирмоқда. Бу партияимизнинг дастурий мақсад-вазифалари ижросида муҳим ўрин тутгани билан аҳамиятлидир.

Маҳаллада ёшларни спортга кенг жалб қилиш, бунинг учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида аҳамият бeри-ляётди. Айиста опа гарчи Анзират бовининг оиласида бўлгани каби оилавий футбол жамоасини тузган бўлса-да, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкил этган "Миллий тикланиш" соврини учун" спорт мусобақасининг маҳалла ёшлари орасида мунтазам ўтказиб келинишида ҳамшира бoш-қoш. Бу ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, вояга етмаган-

лар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга ёрдам бeраётди.

— Маҳалла давлатда бoшқарув тизимини ривожлантириш, аҳолининг долзарб муаммоларини ҳал этишда алоҳида ўрин тутаяди, — дейди Айиста Норматова. — Бу давлат ва ҳудудий дастурларни самарали амалга оширишга шароит туғдиришда, фуқароларнинг қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этиши учун имконият яратмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бунда дастуриямал бўлаётди. Зеро, маҳалла институтини ривожлантириш ва унинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар аҳоли манфаатларига хизмат қилади.

Ҳа, халқимизга хос бўлган ободлик, эртанги ёруғ келажакка интилишга доир эзгу саъй-ҳаракатларга бугун ялғизимизнинг ҳар бир маҳалласида гувоҳ бўлиш мумкин. Вилоятда эса Айиста опа каби ЎзМТДПга хайрихоҳ фаол хотин-қизларимиз кам эмас. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, интилиш ва ташаббусларини кўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида эътибор туйғайли улар ҳаётимизнинг турли соҳаларида самарали фаолият юритиб, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Қамола АБДУВАЛИЕВА, ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" етакчиси

Фуқаролар йиғинида

МАҲАЛЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Жамиятимизда тинчлик-тошувлик, одамлар ўртасида меҳр-оқибат, ҳамжихатлик ва аҳилликни мустаҳкамлашда маҳаллаларнинг ўрни беқиёс.

бир ишда бош бўлиши одамлар ўртасидаги ҳамжихатликни мустаҳкамламоқда. Шунданми 2016 йилда маҳаллада оилавий ажралишлар қайд этилмади. Тадбиркорлик, миллий ҳунармандлик ривожланиб, 20 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Томорқачилик маданиятининг юксалиши аҳоли даромади ва турмуш фаровонлигини оширишда муҳим манба бўлиб хизмат қилаётди.

— Маҳалла маънавий маскани, аҳиллик кўрғонидир, — дейди "Иқбол" МФЙ раиси Тоҳир Исомухаммедов. — Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтармоқда. Фармонда фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш вазифаси белгилангани, айниқса, маҳалла фуқаролар йиғини раисининг жамоатчилик асосида фаолият юритадиган ўринбосари — ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимининг жорий этилгани ёш авлод келажагига бўлган донимий эътиборнинг ёрқин ифодаси дейиш мумкин.

Айни пайтда маҳалламизда "Маҳалла маркази" мажмуаси ва фуқаролар йиғинлари идоралари биносини намунавий лойиҳа асосида қуриш учун ер ажратилди. Тез орада қурилиш ҳам бошланади. Туман ҳокимлиги билан маслаҳатлашиб, ҳудудимизда тиббиёт шохобчасини ташкил этишни режалаштирдик. Тошкент ҳалқа йўлида болаларнинг мактабга хатарсиз бориб қолишлари учун пидедалар йўлагига қурилди. Ички йўллари асфальт қилинмоқда. 950 метр канализация қувури тортииб шаҳар тармоғига уланди. Кўчаларимиз тоза, озода. Аҳоли ҳашарларда сидқидилдан қатнашмоқда. Ҳудудимизни ободонлаштириш, турли мева ва манзарали кўчатлар ўтказишга эътибор қаратилмоқда.

Дарвоқе, тизимдаги ислохотларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётган мажмуа фуқароларнинг амалда-



ги ижросига кенг жамоатчилик, мутасаддилар, жумладан, фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, йиғин қошида ташкил этилган комиссиялар, "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмалари, профилактика инспекторларининг алоҳида масъулият билан ёндашиши талаб этилади.

— Фармонда маҳалла институтини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди, — дейди маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ёқутхон Мўминова. — Бунинг натижасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органилари аҳолига энг яқин кўмақдош ва халқчил тузилмага айланади. Айниқса, жамиятимизда ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик муҳитини шакллантириш, ёш авлоднинг маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, аҳолининг эҳтиёжларини қанчалар ҳам қўллаб-қувватлаш борасида маҳаллаларнинг аҳамияти ва нуфузи янада оширилади. Жамоатчилик назорати институти чуқурлашгани, хусусан, жамиятда маҳалланинг таъсири кучайгани фуқароларнинг манфаатларини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Маҳалламиз

раиси ва профилактика инспектори ҲУДУДАГИ ҳар бир оиланинг ижтимоий аҳволи, ким нима билан машғуллигини билишга ҳаракат қилмоқда. Зеро, ушбу тизимда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам маҳаллани кеча-ю кундуз одамларнинг турмуш тарзидан бохабар бўладиган масканга айлантиришдан иборат. Маҳалламизда фарзандларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга алоҳида эътибор

қаратилмоқда. Ҳудудимизда ташкил этилган соғломлаштириш маркази, футбол майдончаси спортсевар ёшлар ихтиёрида.

Маҳалладаги аксарият хонадон томорқадан самарали фойдаланиш ҳадисини олган. Айрим оилалар бир йилда икки-уч марта ҳосил олишга эришяпти.

— Бизда бундай оилалар жуда кўп, — дейди маҳалла фаоли Эшдават Жиянбоев. — Томорқасида мўъжазгина боғ яратиб, гилос, узум, анжир, лимон, шафтолидан мўл ҳосил олаётган, иссиқхонада помидор, бодринг, турли кўкатлар етиштираётган, турли-туман гуллар ўстираётган маҳалладошларимиз ўз оиласига даромад келтириш билан бирга, юртимиз фаровонлигига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Оилалар тинчлиги, хонадонлар файзи, аҳиллик ва иноқлик кўп жиҳатдан маҳалланинг таянчи ва суянчи бўлган оқсоқоллар, маслаҳаттўйларга боғлиқ. Маҳалла раиси қандай муаммо ёки масала пайдо бўлса, дарров улар билан кенгашади, йўл-йўриқ олади. Кўпни кўрган оқсоқолларнинг панд-насиҳатлари, кўрсатмалари уларга ечим топишда қалит вазифасини ўтамоқда.

Эркин ДОРИПОВ, "Milliy tiklanish" мухбири



ЮПИТЕРДА АТМОСФЕРА ГИРДОБИ АНИҚЛАНДИ

"Juno" фазовий станцияси Юпитернинг йирик бўронларидан бирини нисбатан яқинроқ масофадан суратга олди. Бу ҳақда "lenta.ru" хабар тарқатган.

Тасвир ўтган йилнинг 11 декабрида — станция сайёрадан 8,7 миң километр узоқда бўлган пайтда олинган. Суратда сайёранинг жанубий ярим шаригади атмосфера гирдоби ҳам акс этган.

НАСАнинг қайд этишича, бу суратшу вақтгача Ердан ёки бошқа фазовий аппаратлар воситасида олинган тасвирлардан анча аниқроқ. "Juno" станцияси воситасида Юпитернинг булутлари ҳамда кутб ёғдусини ўрганиш кўзда тутилган. Шунингдек, олимлар станция ёрдамида сайёранинг пайдо бўлиши, унинг атмосфераси ҳамда магнитосферасининг физик хусусиятлари ҳақида янада кўпроқ маълумот олишни мақсад қилишган.

"Juno" станцияси ўз ишини 2018 йилнинг февралда якунига етказишни режалаштирган.

КУЁШ НУРЛАРИНИ ЙИҒАДИГАН "АҚЛИ" ГУЛ

Дубай шаҳридаги бинолардан бирининг қаршисида гулсимон куёш энергияси генератори ишга тушди, дея хабар тарқатган "pictaram.club" сайти.



Унинг асосий вазифаси — офтоб нурларини тўтиб олишдан иборат. "Smart flower" деб номланган "ақли" гул Дубай шаҳридаги Банияс кўчасида намойиш этилди. Австрия фирмаси ишлаб чиқарган "Smart flower" ичига ҳисоблагичлар ўрнатилган новаторлик ва инновацион куёш панели ҳисобланади. Унинг сенсорлари куёш нурларини автоматик тарзда назорат қилиш ва тутишга имкон беради. Бу эса самарадорликни 23 фоизгача оширади.

Янги лойиҳа томлардаги анъанавий куёш воситаларига нисбатан 60 фоиздан зиёд ижобий натижа беради. Бундан ташқари, генератордаги об-ҳавога мослашши механизми мамлакатда энг юқори ҳарорат қайд этилган пайтда ҳам оптимал самарадорликни сақлаб қолади.

СКЕЙТБОРД ЭЛЕКТР ВОСИТАСИДА ҲАРАКАТЛАНАДИ

"Kickstarter" сайтида электр воситасида ҳаракатланадиган "NUFF" скейтбордини оммавий ишлаб чиқариш учун маблағ йиғилмоқда, дейилади "techcult.ru" сайтида.



Скейтборда 2 миң ваттлик электр мотор ўрнатилган. Ҳаваскорларга мўъжаланган ушбу мослама соатига 25 километр, тажрибали скайтерлар учун ишлаб чиқарилган "Superior" номли модел эса соатига 40 километр тезлик билан ҳаракатлана олади. Унга ўрнатилган батареядан 10 даража совуқ, 50 даража иссиқда ҳам фойдаланиш имконияти мавжуд. Уни қувватлаш учун 2 соат кифти. Тўлиқ қувватланган батарея билан 20 километргача йўл босиш мумкин. Электр скейтборд вазни 150 килограммгача бўлган одамни кўтари олади.

Скейтбордини шу йилнинг июнидан бошлаб сотувга чиқариш мўъжаланмоқда. У 1500 долларга баҳоланмоқда.

Шаҳзода ҒАҒФОРОВ тайёрлади.

Таълим

ФАН ВА АМАЛИЁТ БИРЛИГИ

Мамакатимиз ва жамиятимизнинг замон талаблари даражасида ривожланишини илм-фаннинг тасаввур этиш қийин. Илм-фан тараққиётида, айниқса, фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Айнан улар орқали янги билимлар ўзлаштирилади, назариялар шакллантирилади, келгуси амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар учун мустаҳкам асос яратилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг бир гуруҳ илм-фан намояндалари, давлат ва жамоат ташкилотлари, Фанлар академияси аъзолари, етакчи олий таълим муассасалари ректорлари билан ўтказган учрашувида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада мустаҳкамлаш борасидаги долзарб масалалар, уларни ҳал қилиш йўллари ҳақида очиқ фикрлашиб олинган мамлакатимизда илмий-инновацион потенциалнинг янги ривожланиш динамикасига асос солинаётгани билан тарихий аҳамиятта эга. Қолаверса, жаҳон иқтисодий инқирози давом этаётган, табиий ресурслар учун кураш кескинлашган ҳозирги мураккаб глобаллашув даврида Ўзбекистон илм-фан ва инновацияларга тараққиётта эришишининг муҳим омили сифатида қараётгани эътиборга молик.

Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университетига ҳам таълим самарадорлигини ошириш, ёшларнинг илм-фан чўққиларини забт этишлари учун зарур шароит яратиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Бугун университетда бакалавриятнинг 43 йўналишида 7,5 миңдан ортиқ талаба, магистратуранинг 1,5 мутахассислиги бўйича 88 магистрант тахсила олмақда. Уларга таълим бераётган 670 дан ортиқ профессор-ўқитувчилардан 19 нафари фан доктори ва профессор, 156 нафари фан номзоди ҳамда до-

цент илмий унвонига эга.

Университет олимлари мамлакатимиз ва вилоятнинг ҳўжалик соҳаларида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада кучайтириш, кадрлар тайёрлаш тизимида илм-фаннинг узвийлигини қарор топтириш ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш, мамлакатимиз ривожланишининг устувор йўналишлари бўйича излашлар олиб бормоқда. Шунингдек, уларнинг малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Профессор-ўқитувчи ва ходимларнинг 114 нафари ўз билим ва малакасини ошириб, таълим сифати самарадорлигини юксалтиришга ҳисса қўшаётди.

Университетда кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда олиб боришда республикамиз ва вилоятимиздаги етакчи ишлаб чиқариш корхоналари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Хусусан, туризм, иқтисодиёт, агрономия, архитектура, кимё-технология, умумий биология, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш каби таълим йўналишларида тахсил олаётган талабалар ўқув режаларида кўрсатилган малакавий амалиёларни вилоятдаги ишлаб чиқариш ва қишлоқ ҳўжалиги корхоналарида ўтказмоқда. Бу борада малакавий амалиёт объекти сифатида "Хоразм-Палас" МЧЖ, Халқ банки ва "Ҳамкорбанк"нинг Урганч филиали, Хоразм вилоят молия, газна-чилик, иқтисодиёт ва статистика бошқармалари, Урганч ўт ўриш машиналари заводи, "Урганч ёғ" ОХЖ, "Хоразм шакар" ОХЖ, "Урганч бахмали" ОХЖ, Урганч қурилиш материаллари заводи, халқ таълими ҳамда ўрта махсус касб-ҳўнар таълими муассасалари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган.

Бундан ташқари, вилоятдаги илгор корхоналарнинг лабораторияларидан таълим жараёнида самарали фойдаланишга алоҳида эъти-

салоҳиятли кадрлар тайёрлашнинг муҳим омили



бор қаратилмоқда. Хусусан, "KRASS" агромаслаҳат маркази, "Қишлоқ ҳўжалиги ресурстежамкор технологиялари" университетлараро илмий лабораторияси, вилоят стандартлаштириш ва сертификатлаштириш маркази, вилоятдаги автокорхоналар ва машина трактор парклари билан кафедлар ўртасида шартномалар тузилган бўлиб, ўқув жараёни ва илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда мажмуа корхоналарнинг лабораторияларидан унумли фойдаланилмоқда.

2016 йил ўтказилган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар IX Республика ярмаркасида университетимизнинг тажрибали ва ёш олимлари ишланмалар бўйича 66 шартнома имзоланди. Шундан 31 таси вилоятимиз тадбиркор ва фермерлари билан тузилган. Уларнинг умумий қиймати бўйича таълим муассасамиз олий таълим муассасалари орасида биринчи ўринни эгаллади.

Университетимиз хориждаги етакчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатган. Хусусан, Европа иттифоқи давлатлари, АҚШ, Хитой Халқ Республикаси, Миср Араб Республикаси, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Малайзия каби кўлаб давлатлар ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа итти-

фоқи комиссиясининг таълим ва маданият агентлиги ва бошқа бир қанча халқаро ташкилотлар билан ўзаро таълим, илмий ишлар ва тажриба алмашиш бўйича ҳамкорлик олиб бормоқда. Бунинг натижасида 20 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди, 100 дан зиёд профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва талабалар ривожланган давлатлар университетлари ва илмий марказларида тахсил олиб қайтди.

Университетимизда шу йилнинг 8-12 август кунлари Ўзбекистон-АҚШ олимларининг II халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Унда дунёнинг элиқка яқин йирик математик олимлари иштирок этиши, конференция материаллари Америка математика жамиятининг нуфузли журналида чоп этилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, Калифорния давлат университети ва Ўзбекистон Миллий университети олимлари билан ҳамкорликда 2017 — 2019 йилларда Ўзбекистон ва АҚШ иқтидорли талабалари учун математика фани бўйича ёзиқ лагер ташкил қилиш бўйича йирик лойиҳа амалга оширилади. Ушбу лойиҳа доирасида АҚШ ва Ўзбекистондан 20 талаба ёзиқ таътил пайтида Ўзбекистондаги академик олимлар билан Математика институтинида илмий изланишлар олиб

Зиёлиларимиз

МАЪНАВИЙ КАМОЛОТГА ИНТИЛИШ — САОДАТ ЙЎЛИ

Ҳамма соҳанинг ҳам ўз жонкуярлари, фидойилари бўлади. Мамлакатимизда Тоштемир Турдиевни билмайдиган зиёли кам топиларди. Ярим асрлик умрини Денов туманининг маънавий, ижтимоий ҳаётига, тараққиётига бағишлаган инсоннинг ибратли ҳаёти мисоли бир асар. У билан танишган инсон борки, албатта, нуроний устознинг азамат йиғитлардек шаштига бирда қойил қолса, болалардек бевубор, самимий феъл-атворидан, оғамохунлигидан ҳайратга тушади.



вор ва салмоққа эга ҳодиса каби ёндашади. Шу боис ҳам азбаройи Ватанини, ўз туپроғини ҳаммадан кўп севадиган олимнинг илмий баҳслар марказида туриб айтган мулоҳазалари тарихчиларимизни ҳануз тўққинлантириб келади. Япониялик археолог олим Кюдзо Като билан узоқ йиллар давомидаги ҳамфикрлик, қизилма ишларидаги ҳамкорлик натижасида шундай-хулосага келди: "тарихимизни, ўзлимизни билши йўлида қанча машаққат чексак — кам, биз чиндан ҳам буюк халқнинг фарзандларимиз". Бугун Маънавий тарғибот маркази Денов тумани бўлимига раҳбарлик қилиб келаётган Тоштемир Турдиев ёшлар тарбиясидаги муҳим масалаларни жамоатчилик эътиборига ҳавола этиб, уларни ечишда

миллий ёндашувнинг устувор бўлмоғи борасида тавсияларини бериб келмоқда. Негаки, асрлар давомида шакланган маънавий-тимизнинг асосини айнан миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ташкил этади. Қолаверса, шу заминда туғилиб, башариятга ибрат бўлган алломаларимизнинг асарлари бутун ҳам ўз қимматини йўқотган эмас.

Кўш уясида кўрганни қилади, дейди халқимиз. Бола китобни севиши учун ота-онанинг мутолаага меҳри баланд бўлиши керак. Дунёқарашни дарёдай кенг устоз оиласида фарзандларининг ана шундай руҳ билан тарбия тошганидан, уларнинг эл-юртга манфаати тегаётганидан фахрланади. Фарзандлари ҳам китоб ўқиб улғайди, ҳаётда ўз ўрнини топди. Катта ўғли Олим — фермер, Нодир эса "Миллий тикланиш" демократик партияси Денов тумани кенгаши раиси, кичик ўғли Баҳодир пойтахтда яшайди, шифокор-жарроҳ. Қизи Сайёраҳон — муаллима, ёш авлод камолоти йўлида хизмат қилаётир. Невараларининг олди бугунги кунда мамлакатимизнинг турли олий ўқув юртларида таҳсил олмақда: Акбаржон бўлажак ҳуқуқшунос, Аҳроржон қурувчи, Беҳзодекан торкоч соҳаси мутахассиси.

Тоштемир Турдиев турмуш ўртови Рисолат Холқова билан оиласининг бахтли ва фаровон ҳаётидан бениҳоя мамнун.

— Аслида фаровонлик ҳам билим ва тафаккурдан ҳосил бўладиган буюк неъматдир, — дейди Рисолат момо. — Агар қайси оилада китобхоналик, китобга меҳр кучли бўлса, бу ўша оилада вояга етаётган фарзандларда ҳам шаклланади. Халқимиз азалдан китобхоналиги ва илм-маърифатга интилиши билан донг таратган. Фарзандларим ва невараларимга халқимизнинг гўзал фазилатлари доимо ҳамроҳ бўлишини истайман.

Дарвоқе, фақат оилада эмас, балки жамият ўртасида илм-маърифатни, китобхоналиги газетхоналики тарғиб қилиш, одамларни саодатга чорлаш қон-қонига сингиб кетган Тоштемир Турдиев "Миллий тикланиш" демократик партиясининг фаол аъзоси ва тарғиботчиси. Айниқса, партиянинг худудий бўлимлари фаолиятини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш, аҳолини ўйлантираётган муаммоларнинг ижобий ҳал этилишида доимий маслаҳати ва амалий ёрдамини аямайди. Хусусан, тарихий қадамжоларимизни муҳофаза этиш, янги сайёҳлик йўналишларини очиш, Термизий алломалар меросини илмий асосда ўрганилишида олимнинг ташаббуслари баралла кўзга ташланиб туради.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Тоштемир Турдиев ҳақида ёзаётиб, Ўзбекистон халқ шoirи Сирожиддин Саййиднинг куйидаги шеъри қулоқларим остида жаранлагандай бўлди:

Одамлар бор ичи тош ва кўмирдир, Одамлар бор иши — қимир-қимирдир. Одамлар бор бурч ва маслак бовида, Ҳаргиз емирилмас тош ва темирдир. Андак лутф қилдим, Тоштемир ога, Сиз — бир ўзани кенг, қуримас дарё. Сизга Алломининг ўзидир тоғи, Сизга Термизийлар бариси — бобо.

Баҳром НОРМУРОДОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Тиббий маслаҳат

КЎК ПИЁЗ — КОНИ ФОЙДА

Кўк пиёз инсон организми учун йил давомида зарур бўладиган сабзавот ҳисобланади. Айниқса, эрта баҳорда инсон организми унинг таркибидagi микроэлемент ва провитаминарга эҳтиёж сезади.

Кўк пиёз таркибида юқумли касалликлардан сақловчи фитонцидлар бор. Ундан тайёрланган салат грипп ва ўткир респиратор касалликларнинг олдини олишда фойдали, барглари таркибида эса қон катакчалари вужудга келишида зарур бўладиган хлорофил мавжуд.

Янги узилган кўк пиёз иштакани очади, таомни кўркам қилиб, овқат ҳазмини яхшилайдди. Унинг таркибида инсон организми учун зарур бўлган кўплаб микроэлемент, витамин ва шакар мавжуд.

Кўк пиёз авитаминоз, қувватсизлик, бош айланиши ва баҳорги толиқшда жуда фойдали. Унинг таркибидagi рух микроэлементи соч тўкилиши, тирноқ синишининг олдини олади, юрак мушакларини мустаҳкамлайди, кальций билан фосфор эса тишларнинг соғлом бўлишида ёрдам беради. Кальций микроэлементи юрак ва қон томир тизими фаолиятига ижобий таъсир этади. Мутахассисларнинг фикрича, саратон ва бошқа баъзи бир касалликларнинг олдини олишда кўк пиёз йил давомида истеъмол қилиш яхши самара беради. Олимлар йил давомида ҳар бир одам 10 килограммгача кўк пиёз истеъмол қилиши зарур, деган фикрда. Кўк пиёз қон таркибидagi соғлиқ учун зарарли холестерин миқдорини камайтиради. Бу эса, ўз навбатида, атеросклероз касаллигининг олдини олади.

Шуни эсда тутиш керак, жигар касалликларининг оғир кечадиган турлари, меъда-ичак тизими касалликлари билан оғриган кишиларга кўк пиёз тановули тавсия этилмайди.



БИЛАСИЗМИ?

- Аляска Америка Қўшма Штатларидаги энг катта штат бўлиб, майдони 1 миллион 717 минг 854 квадрат километрни ташкил этади.
● Шанхай — аҳоли сони бўйича дунёдаги энг йирик шаҳар. Унда 24 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

ТУРФА ОЛАМ

КОНФЕТ САРАЛАЙДИГАН МАШИНА

Нидерландиялик талаба Уиллем Пеннингс "M&M's" ва "Skittles" каби конфетларни рангига қараб саралайдиган машина ихтиро қилди. Муаллиф бу ихтироси ҳақида Интернетдаги блогда хабар тарқатган.

Пеннингс машинани тайёрлашда 2013 йилда ясалган шунга ўхшаш агрегатдан нусха олган. Қурилма "Arduino" тахтаси, двигател ва рангларни аниқловчи RGB-сенсоридан иборат. Корпуси ёғочдан, механизм қисмлари 3D принтерда ясалди. Машина бир соғия ичида икки дона конфетни саралайди. 300 грамм миқдоридagi шokolадоналарини саралаш учун эса унга тахминан 3 дақиқа кифоя.

Ихтиросининг айтилиши, у маъмур лойиҳани амалга оширишга ўтган йилнинг май ойидан бошлаб киришган ва декабрда ниҳоятга етказган. Машинани йиғиш учун 500 евро маблаг сарфланган.

БОЛАЛАРГА МЎЛЖАЛАНГАН АВТОМОБИЛЬ

Буюк Британиянинг қўлда териладиган спорт автомобиллари ишлаб чиқарувчи "Morgan" компанияси болаларга мўлжалланган бир ўриндиқли "EV3 Junior" номи ретро-электрокар ишлаб чиқарди.

У ўтган асрнинг 30-40-йилларида ишлаб чиқарилган ҳақиқий пойма автомобилларини эслатади. Уч гилдиракда ҳаракатланувчи электрокар кучли батарея билан жиҳозланган. Корпуси углерод толасидан ишланган. Автомобиль салонига табиий ёғочдан ишлов берилган. Ҳайдовчи ўриндиғи табиий чармдан. Автомобиль соатига 16 километр тезликда ҳаракатлана олади.

Бундай автомобилларнинг ҳар бири буюртма асосида ишлаб чиқилади. Уйинчоқ-автомобиль анча қиммат — 10 минг доллар. Компания сайтида унга буюртма қабул қилиш бошланган.

Шаҳзода ҒАФФОРОВ тайёрлади.

Эълон!

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси куйидаги компьютер жамланмасини сотиб олишга тендер эълон қилади.

Компьютер Avtech CPU Intel Core i34170 3.7 GHz/CPU cooler/DDR3 2GB/MB Gigabyte/HDD 500GB/DVD-RW/Case AVTECH 450W/клавиатура AVTECH/мышка AVTECH/ Монитор Samsung Led 22 Wide/ Принтер Canon LBP2900
Мурожаат учун: факс:277-14-94, 277-20-34

ASAKA BANK JAHOASI advertisement with logo, text about services, and image of women in traditional dress.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Ияхом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдулқури МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Узурбек МУҲАММАДИЕВ, Сувоп НАҲБИДИНОВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОВЕВ, Алшпер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммадҷов ҚУРОНОВ, Исмет ХУДОЕВОВ
Баш муҳаррир: Беҳзод НОРБОВЕВ
ТАХРИРИЯТ МАНЗАЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-35, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавий ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бон муҳаррир бирлиги ўринбосари: 234-87-74, Бухталтери: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида бослади. Қўроқ бичими А-2
"ШАРҚ" нашрият-нашра ахборотлик компанияси босмахонасида чоп этилади.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақамли билан рўйхатдан ўтган.
• Буюртма — Г 316, Адади — 10700. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.
• Навбатчи муҳаррир: Мухтарова КОМИЛОВА 1558 2010-7714
Навбатчи: Усмон АБДУРАСУЛОВ
Саҳифаловчи: Ияхом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга тошириш вақти — 21.30.
Тоширишда — 00.55.
4772010771003 123 16